Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 167 (20. 434) • 1989 йил 18 июль, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг 14 июлдаги мажлисида М. С. Горбачевнинг Ленинград сафари тўғрисидаги, шаҳар меҳнаткашлари, партияхўжалик активлари билан учрашувлар ҳақидаги, область партия комитетининг бўлиб ўтган пленуми тўғрисидаги ахборотини тинглади. Учрашув ва суҳбатлар ишчилар синфи КПССнинг иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлини қўллаб-қувватлаётганини, ўз тақдирини қайта қуриш билан тўла-тўкис боғлаётганини кўрсатди. Шу билан бирга ленинградликлар кўпгина амалий ишлар дуруст ҳал этилмаётганидан қониқмаяптилар, марказдаги ва жойлардаги иш савиясини ошириш кераклигини қатъият билан айтмоқдалар. Меҳнаткашлар партия ташкилотларига нисбатан юксак талабларни айтмоқдалар, бу эса коммунистларнинг зиммасига омма орасида фаол ишлаш, шаҳар ва областни ривожлантиришнинг етилган масалаларини сабот билан ҳал этиш мажбуриятини юклайди.

Сиёсий бюро ҳозирги шароитдаги миллий сиёсат тўғрисида КПСС платформасининг лойиҳасини кўриб чиқди. Бу масала атрофлича муҳокама қилинганидан кейин лойиҳанинг кам-кўстини тўлдириб, уни иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига юбориш зарур, деб топилди. Шундан кейин КПСС платформасининг лойиҳасини КПСС Марказий Комитетининг Пленумига ҳавола этиш назарда тутилади.

Мажлисда М. С. Горбачевнинг Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг якунлари тўғрисидаги ахбороти кўриб чиқилди. Бухарест кенгашининг барча қатнашчилари Варшава Шартномаси давлатларининг ғоят ташаббускорона иштирокида Европа қитъасида рўй бераётган ижобий ўзгаришларни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида иттифоқчи мамлакатларнинг ўзаро алоқаларини янада чуқурлаштириш кераклигини айтганликлари уқтириб ўтилди. Кенгашда қабул этилган ҳужжатларда барқарор ва хавф-хатарсиз Европа сари бундан буёнги силжишни таъминлашга, дунёда мухолифликдан мулоқат ва ҳамкорликка ўтиш соҳасида бошланган жараёнларни муқаррар тус олдиришга азму қарор берилганлиги равшан баён этилди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачевнинг социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарларининг Бухарестда бўлиб ўтган учрашувидаги фаолиятини маъқуллади. Ҳозирги замон социализмини ривожлантириш ва янгилашнинг долзарб муаммолари хусусида бафуржа, амалий фикрлашиб олинганлиги муҳимлиги таъкидланди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачевнинг Францияга қилган визити ва Страсбургга бориши якунлари тўғрисидаги ахборотини тинглади. Олий даражадаги учрашув Совет — Франция муносабатларининг мустаҳкам анъаналарига таяниб, Европа ва жаҳон сиёсатини жўшқинлаштиришнинг, ўзаро манфаатли икки томонлама амалий ҳамкорликни кенгайтиришнинг муҳим ва ишончли бўғини бўлмиш Франция билан сиёсий мулоқотнинг янги катта имкониятларини юзага чиқарди.

Франция томони умумий Европа хонадони концепциясини амалий равишда ривожлантириш ва янги мазмун билан тўлдиришдан астойдил манфаатдорлигини намоён этди. Аввало, Европадаги ҳарбий қарама-қаршиликни камайтириш ва қуролсизланиш вазифалари тўғрисида, Хельсинки жараёнини қатъият билан олга силжитиш ҳақида бўлиб ўтган батафсил фикрлашувлар Европада ва халқаро майдонда ҳозирги ижобий жараёнларда Совет — Франция баҳамжиҳатлигининг роли беқиёс эканлигини намойиш қилди.

Совет раҳбари Страсбургга биринчи бориши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу воқеа СССРнинг Европа кенгаши парламент ассамблеяси билан ва умуман Ғарбий Европа уюшмалари билан амалий ўзаро алоқаларини йўлга қўйишга асос солади.

В. П. Никонов бошчилигидаги КПСС делегациясининг Корея Халқ Демократик Республикасига қилган сафари ҳамда студентлар ва ёшларнинг Пхеньяндаги XIII жаҳон фестивали очилишида иштирок этганлиги якунлари кўриб чиқилди. Корея Меҳнат Партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, КХДР Президенти Ким Ир Сен билан бўлган суҳбат, республика партия ва хўжалик ходимлари билан учрашувлар, визит давомида эришилган аҳдлашувлар агросаноат комплекси соҳасида Совет — Корея муносабатларини янада ривожлантиришга, мамлакатларимиз халқларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашга кўмаклашади, деб таъкидланди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси В. П. Никоновнинг КПСС делегациясининг Монголия Халқ Республикасига қилган сафари якунлари тўғрисидаги ахборотни тинглади. КПСС билан МХРП ўртасидаги, Совет Иттифоқи билан МХР ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик муваффақиятли ривожланиб бораётганлиги, бу ҳамкорлик мамлакатларимиздаги қайта қуришни амалга оширишнинг ,улар ўртасидаги қардошларча муносабатларни мустаҳкамлашнинг муҳим омили эканлиги қайд этилди.

КПСС делегациясининг МХРП Марказий Комитети Бош секретари, МХР Буюк Халқ хурали президиумининг раиси Ж. Батмунх ва Монголиянинг бошқа раҳбарлари билан, партия комитетларининг, илм-фан ва хўжалик муассасаларининг раҳбарлари, аратлар ва ишчилар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан суҳбатлар чоғида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда Совет — Монголия ҳамкорлигини янада такомиллаштириш, бу соҳадаги мавжуд катта резервлардан янада тўла-тўкис фойдаланиш вазифалари муҳокама қилинди.

БЕШ ЙИЛЛИК МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

● Қурувчиларнинг зарбдорларча меҳнати туфайли
● Миришкор пахтакорларнинг ибратли ишлари
● Ғаллазорларда қизғин меҳнат давом этмоқда



• Агросаноат хабарлари

АЛМАШЛАБ ЭКИШ ШАРОФАТИ

Хонқа районидаги ал-Хоразмий номли совхоз шоличиликка ихтисослаштирилган. Бу ерда мўл-кўл шоли етиштириш билан бир қаторда 500 гектар ерда ғўза ҳам ўстириляпти. Область агросаноат комитети мутахассисларининг эътироф этишича мана шу пайкаллардаги ўсимликнинг ривожи жуда яхши. Барча майдонлардан мўл ҳосил олиш мўлжалланмоқда.

Ҳозир хўжалик пахтазорларида бўлган кишининг бўлиқ ғўзаларни кўриб кўзи қувнайди. Ҳар туп ўсимликда 4—5 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин.

— Совхозда ғўзанинг баравж, серҳосил бўлиб ривожланишининг асосий сабаби алмашлаб экиш шарофатидир, — дейди район партия комитетининг биринчи секретари Б. Жуманиёзов — Хўжаликда асосан шолидан бўшаган майдонларга чигит экилади. Шунинг учун ҳам тупроқда ғўзанинг яхши ривожланиши, касаллик ва зараркунандалардан шикастланмай мўл ҳосил тўплаши учун барча шароит муҳайё.

Хўжалик миришкорлари алмашлаб экиш ҳосиятини тўғри тушуниб етган ҳолда ўзлари ҳам фидокорона тер тўкмоқдалар. Ғўза парвариши билан боғлиқ агротехник тадбирларнинг ҳаммаси ўз вақтида адо этилмоқда.

Р. КАРИМОВ.

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

Поп райони ғаллазорларида ўрим-йиғим ишлари уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Хўжаликлараро социалистик мусобақада қўрқ «Найман» совхози ғаллакорлари пешқадам. Улар мавжуд 89 гектар ердаги бошоқли экинларни қисқа муддатларда йиғиштириб олишга эришдилар.

Ҳар гектар ердан 30 центнердан сара дон йиғиштириб олиниб, давлат қабул пунктларига 297 тонна дон топширилди.

Райондаги «Поп» совхози ғаллакорлари ҳам юқори ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. 99 гектар ернинг ҳар гектаридан 27,7 ўрнига 33 центнердан дон ўриб-янчиб олинди. Тайёрлов пунктларига пландаги 185 ўрнига 217 тонна дон топширилди.

С. ҚУЧҚОРОВ.

РЕСПУБЛИКА ҚУРИЛИШЛАРИДА

КОРХОНА ҚАД КЎТАРМОҚДА

Хоразм областининг Дружба шаҳрида яна бир улкан корхона қад кўтармоқда. Қадимий Жайхун — Амударёнинг қирғоғида бунёд этиладиган янги агрегат заводнинг турли участкаларида қизғин меҳнат кундан-кунга авж олаётир. Заводнинг дастлабки корпуси ишгол этган 30 минг квадрат метр майдонда асосий ишлаб чиқариш участкаларининг тикланиши деярли поёнига етказилаётир. Чунки корхонанинг мазкур биринчи навбати келгуси йилнинг январь ойида ишга туширилмоғи лозим.

Завод қурилишини «Туямуюнгидрострой» бошқармаси олиб бормоқда. Коллектив ўртасида яхши ташкил этилган ўзаро мусобақа ишларнинг тезкорлик билан олиб борилишига ёрдам бермоқда.

Суратларда: қурилиш участкаларидан бири ва мусобақада илғорликни қўлдан бермай келаётган ёш электр пайвандчи, комсомол аъзоси Тоҳир Раҳимов.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ суратлари.

Дунё овози

САЙЛОВДА ҚАТНАШМАСЛИККА ДАЪВАТ

● ЛУСАКА

Ўз сафларида бир миллиондан кўпроқ африкалик ишчиларни бирлаштирувчи Жанубий Африка касаба союзлари конгресси (Косату) Жанубий Африка аҳолисига мурожаат этиб, шу йил 6 сентябрга белгиланган парламент сайловида қатнашмасликка чақирди.

Косату Бош секретари Жей Найду Жанубий Африкадаги мана шу энг катта касаба союз бирлашмасининг съезди якунлари юзасидан Йоханнесбургда якшанба куни ўтказилган матбуот конференциясида шундай деди. У съезднинг 1 сентябрдан апартеидга қарши «Норозилик ҳафтаси» бошлаш тўғрисида қарор қабул этганлигини ҳам маълум қилди.

28 миллион африкалик кўпчиликнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишига йўл қўймайдиган ЖАР парламент системасини Косату бутунлай рад қилади, деб таъкидлади Жей Найду. Бу сайлов мамлакатга тинчлик келтира олмайди. Ҳукмрон миллатпарвар партия шу сайловдан фойдаланиб, ўз мавкеини мустаҳкамлаб олишни ва ирқий айирмачиликни абадийлаштиришни кўзламоқда.

ВАЗИЯТНИ ТИНЧ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН

● ЛУАНДА

Заир пойтахти — Киншасада якшанба куни Анголадаги аҳволни тинч бартараф этиш юзасидан республика ҳукумати ва Унита гуруҳи вакиллари ўртасидаги музокаралар яна бошланди.

Унита гуруҳи Ангола территориясида ўт очишни тўхататиш тўғрисида 22 июнь куни Африка давлатлари бошлиқларининг Заирдаги Ғбадолит шаҳрида Унита бошлиғи Жонас Савимби иштирокида эришилган аҳдлашувни шу гуруҳ бир неча бор бузганлиги оқибатида икки ҳафта муқаддам ҳукумат бу музокараларни тўхататиб қўйган эди.

«Биз Ғбадолит руҳига амал қилиш ва Анголада амалий тинчлик ўрнатиш ниятидамиз», — деди Киншасада журналистларга Ангола ҳукумат делегациясининг бошлиғи, республика ташқи ишлар министри Педру ди Каштру Ван-Дунен.

ПУЛНИНГ ҚАДРСИЗЛАНИШИ КУЧАЙМОҚДА

● ПАРИЖ

Энг ривожланган етти капиталистик мамлакат давлат ва ҳукумат бошлиқларининг ҳар йили ўтказиладиган 15-учрашуви якшанба куни Париж яқинидаги Дефанс аркасида тугади.

Иқтисодий масалалар юзасидан шу учрашувда қабул этилган декларация анжуманнинг якунловчи ҳужжати ҳисобланади. Учрашувда Буюк Британия, Италия, Канада, АҚШ, Франция, ҒФР, Япония раҳбарлари, шунингдек Европа ҳамжамиятлари комиссиясининг делегацияси қатнашди.

Етти раҳбар ривожланган давлатларнинг молиявий-иқтисодий соҳалардаги мустаҳкам ҳамкорлигини давом эттириш муҳимлигини таъкидлаб, пулнинг қадрсизланиши яна ошиб бораётганлиги тенденциясини тўхататишга, бюджетдаги ва савдо-сотиқдаги номутаносибликларни қисқартиришга эътиборни қаратди. Улар асосий валюталарнинг айирбошланадиган қадр-қиймати устидан назорат қилиш тўғрисидаги аввалги битимларни тасдиқладилар, халқаро савдо-сотиқда манфаатпарастликка қарши эканликларини билдирдилар.

Етти раҳбарнинг учрашувида биринчи марта экология муаммолари муҳокама қилинди, уларнинг иштирокчилари бу муаммолар ҳаммани ташвишга солаётганини қайд этдилар.

АҚШДАГИ ЗАРАРЛИ ОДАТЛАР

✦ НЬЮ-ЙОРК

АҚШдаги қайси штатларда сиҳат-саломатлик учун зararли бўлган одатлар кўпроқ тарқалган? Жоржия штатининг Атланта шаҳрида жойлашган касалликлар устидан назорат миллий марказ ходимлари умуммиллий тадқиқотга киришар экан, ўз олдиларига ҳудди ана шундай мақсадни қўйдилар.

Мана энди натижалар ҳам тайёр бўлди: аҳолиси юрак-қон-томир дардига кўпроқ чалинаётган штатлар ҳам аниқланди. Чунончи, аҳолиси чекиш бўйича биринчи ўринни эгаллаб турган Кентукки штати шу штатлар жумласидандир. Бу ерда ҳар уч кишининг бири чекади. Нью-Йорк штатининг аҳолиси эса жуда кам ҳаракат қилади. Штатдаги ҳар бир одам бўш вақтларида ҳафтада уч мартагина 20 минутдан жисмоний машқ қилади.

(ТАСС).

М. С. Горбачев Р. Ганди билан учрашди

15 июль куни Кремлда икки мамлакат — СССР ва Ҳиндистон раҳбарларининг яна бир учрашуви бўлди. М. С. Горбачев билан Ражив Гандининг дўстона мулоқоти иккала давлат муносабатларидаги табиий ҳол бўлиб қолди.

Деҳлида бундан аввал ўтказилган учрашувдан кейинги ярим йилдан сал кўпроқ вақт ичида дунёдаги воқеаларнинг тез ва хилма-хил ривожланиб бораётганлиги уларнинг неча йиллардан бери доимий фикрлашув чоғида қилинган таҳлилни тасдиқлаётганлигини суҳбатдошлар қайд этишди.

Суҳбатда ҳозирги пайтда дунёдаги вазиятга хос бўлиб турган барча энг муҳим муаммолар ҳақида гаплашилди.

М. С. Горбачев билан Р. Ганди Ғарб раҳбарлари билан яқинда ўтказган учрашувларида — совет раҳбарининг яқинда Буюк Британия, ҒФР ва Францияга, Ҳиндистон раҳбарининг Франция революцияси 200 йиллиги муносабати билан бўлган тантаналарда қатнашиш учун Парижга қилган визитлари давомида олган таассуротларини бир-бирларига гапириб бердилар.

Улар Европа жараёнидаги ижобий тенденциялар, шу жумладан қуролсизланишга оид музокаралар жадаллашиб бораётганлигини, ҳарбий қаршима-қаршилик камаяётганлигини, аммо Европадаги тинч давр йўлида ҳали бир талай мураккаб муаммоларни ҳал қилиш лозимлигини қайд этдилар.

Деҳли декларациясининг ғоялари асосида М. С. Горбачев билан Р. Ганди Ғарбнинг сиёсий доираларида айтилаётган баъзи фикрлар ва концепциялар тўғрисида ўзларининг танқидий мулоҳазаларини айтдилар.

Осиё — Тинч океан регионидаги ва умуман дунёдаги иқтисодий муносабатларга, «янги жаҳон иқтисодий тартиби» лойиҳаси билан боғлиқ бўлган муаммоларга алоҳида эътибор берилди. Ҳозир Парижда ўтаётган етти етакчи капиталистик мамлакатнинг кенгаши муносабати билан ҳам шу масала тилга олинди. Жаҳон аҳамиятига молик муаммоларни интернационаллаштириш йўли билан ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаол иштироки билангина бу муаммоларни амалий равишда ҳал этиш иложи топилади, деган эътиқод изҳор қилинди. Иккала раҳбар БМТнинг обрў-эътиборини ҳар томонлама ошириш ва унинг таъсирчанлигини кучайтириш кераклигини айтди.

Суҳбатдошлар ўз давлатларининг қўшни давлатлар билан муносабатлари масалаларини муҳокама қилдилар. Афғонистондаги аҳволни бартараф этишга ёндашувларнинг бир хиллиги ва Афғонистондаги урушни кучайтиришга олиб бораётган сиёсатга қаршилик қилиш зарурлиги таъкидланди.

М. С. Горбачев билан Р. Ганди Хитойдаги маълум воқеалар муносабати билан СССР ва Ҳиндистон тутган позицияларнинг ўхшашлигини, шу буюк мамлакат билан яхши қўшничилик муносабатларини янада ривожлантиришга аҳд қилганликларини қайд этдилар.

Ғарбий соҳадаги икки томонлама иқтисодий, илмий-техникавий алоқаларнинг ва ҳамкорликнинг энг принципиал жиҳатлари эътибор билан кўриб чиқилди.

Ҳозирги босқичда иккала мамлакатдаги ички ўзгартишларга доир ахборот ва фикрлар қизғин, ошкора айирбошланди. Баъзи бир ўткир муаммоларга ёндашувда амалий тажрибани баҳам кўриш ҳам фойдали эканлиги аниқланди.

Р. Ганди М. С. Горбачевни келгуси йилда Ҳиндистонга расмий ташриф буюришга таклиф қилди. Шу тариқа иккала дўст давлат ўртасидаги доимий баҳамжиҳатликнинг ноёб характери яна бир бор таъкидланди.

Делегациялар составидаги учрашув тўрт соат давом этди, сўнгра учрашув яккама-якка давом эттирилди.

Э. А. Шеварднадзе, Ҳиндистон ташқи ишлар министри П. В. Нарасимха Рао, элчилар Т. Н. Кауль ва В. Ф. Исаков, ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари Ш. К. Сингх, элчи лавозимидаги доимий министр Прем К. Будхвар, Бош министр маҳкамасининг котиблари Р. Сени, Г. Партхасаратхи, ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири Р. Сикри қатнашдилар.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА

СССР Олий Совети 17 июль куни Кремлда ўз ишини давом эттирди.

Раислик қилувчи **А. И. Лукьянов** 15 июль куни кенгаш бўлганлигини, унда Олий Совет барча комитетлари ҳамда палаталар доимий комиссияларининг раислари иштирок этганликларини, бу кенгашда сессиянинг бундан буёнги иши ҳақида гап борганлигини маълум қилди. Кенгаш топшириғига биноан раислик қилувчи унинг якунларини ўқиб эшиттирди.

Ҳукумат шу ҳафта ичида тузиб бўлинсин, Халқ контроли комитети ташкил этилсин ва СССР Давлат арбитражининг коллегияси тасдиқлансин, Комитетлар ва комиссияларда съезднинг Олий Советга берган топшириқларини бажаришга доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги, шунингдек СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш ҳақидаги масала юзасидан позицияларни ишлаб чиқилиб, кейинчалик ана шу масалалар палаталарнинг қўшма мажлисида муҳокама этилсин ва тегишли қарорлар қабул қилинсин. Кун тартибига киритилган қонун лойиҳаларини муҳокама қилишга киришиш ҳам мўлжалланмоқда.

Бу ахборот маълумот учун қабул қилинади.

Олий Совет ҳукумат составини тузишни давом эттирди.

В. А. Дурасовни СССР министри этиб тайинлаш тўғрисида таклиф киритилади.

В. А. Дурасовга сўз берилади У ўзининг программасини баён этиб, барча жорий ва истиқбол планлари социал йўналишга эга бўлиши, мамлакат экономикасини соғломлаштириш ва амалга ошириш — ғоят муҳим вазифадир.

Нотиқ йилнинг биринчи ярмида халқ хўжалигини ривожлантиришнинг нохуш якунларидан ташвиш билдирди. Узил-кесил чоралар кўрилмас экан, деди у, йўқотишларнинг ўрнини тўлдириб бўлмайди ва экономикани мустаҳкамлашга доир жами ишларни чигаллаштириб юбориши мумкин. Туб ислоҳот хўжалик механизми сифатида суръатга суръат қўшиб бормоқда. Иқтисодчилар, олимлар, амалиётчилар маслаҳдошлар бўлишлари ҳамда йўл қўйилган хатоларни ҳаққонлик билан тузатишлари керак. Меҳнат коллективлари мустақиллик қандай самара беришини ҳис этиб қолдилар ва қандай хўжалик механизми маъқул бўлишини ўзлари ҳал қиладилар.

Номзод мураккаб ўтиш даврида ҳал этиш зарур бўлган энг асосий вазифаларга, шу жумладан инвестицияларни қисқартиришнинг, озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг, ғоят муҳим ижтимоий программаларни бажаришнинг, экология вазиятини яхшилашнинг, ресурслар тежалишини ҳамда иккиламчи ресурслардан актив фойдаланишни рағбатлантиришнинг аниқ равшан йўлларига тўхталди.

Номзодни муҳокама қилишда депутатлардан **В. М. Етилен, К. Е. Иванов** қатнашдилар.

В. А. Дурасов кўпчилик овоз билан СССР министри лавозимига тасдиқланади.

Раислик қилувчи станкозлик ва асбобсозлик саноати корхоналари ҳамда ташкилотлари раҳбарларининг, партком секретарларининг, меҳнат коллективлари кенгашлари раисларининг ва илғор ходимларининг кенгаши бўлиб ўтганлигини маълум қилади. Ана шу кенгашда СССР Олий Советига мурожаатнома қабул қилиниб, СССР станоксозлик ва асбобсозлик саноати министри лавозимига Н. А. Паничевни тайинлаш таклиф этилган. Н. И. Рижков ана шу истаклари эътиборга олиб, шу лавозимга Н. А. Паничевни тайинлаш тўғрисида қўшимча таклиф киритганлиги ҳам маълум қилинди.

Ҳукумат составига даъвогарнинг номзоди Иттифоқ Советининг саноатни, энергетика, техника ва технологияни ривожлантириш масалалари комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилди ҳамда Олий Советга тавсия этилди.

Минбарда — **Н. А. Паничев.** Бошланғич машинасозлик сифатида тармоқ технология асбоб-ускуналарини сифат ва миқдор жиҳатидан вужудга келтириш орқали халқ хўжалигига асосий таъсир ўтказмоқда, деди у. Ҳозирги вақтга келиб, металлга ишлов берувчи амалдаги ускуналар миқдори билан ишчи кучи ўртасида нохуш нисбат вужудга келди. Станокларнинг талайгина қисми қўлда бошқариладиган кам унумли станоклардир.

Номзод тармоқдаги ўзгартишлар программасини баён этиб берди. Эскириб қолган ускуналарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш ва автоматлаштирилган ускуналар ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш ҳисобига ишлаб чиқилаётган машина-ускуналар структурасини тубдан қайта кўриб чиқишга қаратилган асосий стратегик йўл

(Давоми иккинчи бетда).

ВИЗИТ ТУГАДИ

Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Р. Ганди 16 июлда Москвадан жўнаб кетди. Совет раҳбариятининг таклифига биноан у СССРга дўстона амалий ташриф буюрган эди.

Аэродромда Р. Гандини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. П. Лаверов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Аэропортда Ҳиндистон Республикасининг ва Совет Иттифоқининг Давлат байроқлари кўтарилди.

* * *

Р. Ганди совет пойтахтидан учиб кетишдан олдин самолёт пиллапояси ёнида ТАСС мухбири билан бўлган суҳбатида Совет — Ҳиндистон муносабатларининг ҳолатига юқори баҳо берди. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар жуда жўшқин ривожланиб бормоқда ва ҳозирги кунда ғоят юксак поғонага кўтарилди, деди Ҳиндистон раҳбари. Шу билан бирга Бош министр Совет—Ҳиндистон муносабатларини янада такомиллаштириш учун мавжуд бўлган ҳамма имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланилмаганини таъкидлаб ўтди.

(ТАСС).

СССР Олий Советининг биринчи сессиясида

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ишлаб чиқилган. Министрликка даъвогар корхоналар ҳақиқатан ҳам мустақил бўлиб, ижодий ташаббускорликни авж олдириш учун шарт-шароитлар вужудга келтирилган тақдирдагина тармоқда жиддий ўзгартишлар қилиш мумкин, деган фикрни билдирди.

Биринчи навбатдаги чоратадбирлар орасида корхоналарда ишнинг янги иқтисодий шакл ва усулларини жорий этишни ниҳоясига етказиш, тармоқ корхоналари, бошқа тармоқлар, шунингдек, чет эл фирмалари билан уюшмалар, консорциумлар шаклидаги интеграция ва кооперация жараёнларини ривожлантириш лозим. Тармоқнинг коммерция инвестиция банкини вужудга келтириш зарур.

Меҳнат шароити оғир бўлган тайёрлов ҳамда бошқа корхоналарни қайта қуроллантиришга, уларни экология жиҳатидан мусаффо қилишга жиддий эътибор бериш керак. Мудофаа тармоқларининг соҳасини ўзгартириш чоғида бўшатилаётган қувватларнинг бир қисмидан машина-ускуналарнинг илмфанга асосланган турларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиш лозим.

Нотиқ саволларга жавоб қайтарди. Унинг номзодини муҳокама қилишда депутатлардан **А. К. Милосердний, Г. М. Магамедов, И. А. Никаноров, Г. П. Харченко, А. С. Даниленко** қатнашдилар.

Депутат **Е. Н. Ауелбеков**нинг илтимосига кўра, СССР Министрлар Советининг Раиси ҳукумат составига Н. А. Паничев номзодини қўшимча равишда киритишга қарор берганлигининг сабабларини баён этди. Ўз малакасига, тафаккур кўламига кўра, деди **Н. И. Рижков**, номзод тармоққа бошчилик қилишга муносибдир. Бу тармоқ унинг раҳбарлигида муайян қадамлар қўйди. Аммо, Н. А. Паничевга жиддий даъволар ҳам қилинди. Бироқ биз тармоқ корхоналари ва партия ташкилотларининг раҳбарлари билан, шу тармоқда ишлаётган халқ депутатлари билан демократик асосда маслаҳатлашиб, уларнинг фикрини эътиборга олдик ҳамда унинг номзодини СССР Олий Советининг муҳокамасига тақдим этдик.

Депутат **Б. Х. Блаев** конверсия резервларидан станоксозликдаги ишларни анча яхшилаш учун фойдаланиш тўғрисидаги масалани ўртага қўйган эди. **Н. И. Рижков** шу депутатнинг фикрини ҳисобга олиб, бир қанча мудофаа заводларини тармоққа ўтказиш режалаштирилаётганлигини тасдиқлади.

Депутатлар кўпчилик овоз билан Н. А. Паничевни СССР станоксозлик ва асбобсозлик саноати министри этиб тайинлайдилар.

(ТАСС).

ХХР ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков 15 июль куни Кремлда ХХР Давлат Кенгашининг аъзоси, фан ва техника давлат комитетининг раиси Сун Цзянь бошчилигидаги ХХР ҳукумат делегациясини қабул қилди, мазкур делегация СССРда Хитой фани ва техникаси кунлари ва «ХХР фани ва техникаси» кўргазмаси ўтказилиши муносабати билан келган.

Суҳбат қатнашчилари сўнгги йилларда Совет—Хитой муносабатларини ривожлантиришда катта силжишга эришилганлигини таъкидлаб, М. С. Горбачевнинг Хитойга яқинда қилган визити натижаларига юксак баҳо бердилар. Пекиндаги учрашувлар ва музокаралар иккала халқ манфаатлари ва ялпи тинчлик иши манфаатлари йўлида Совет—Хитой алоқаларини изчил кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун янги имкониятлар очди.

Н. И. Рижков СССРдаги социалистик янгиланиш жараёнларининг умумий комплексида, иқтисодий ўсишнинг янги сифатини таъминлашда фан ва техниканинг роли тобора ортиб бораётгани хусусида гапириб, ҳозир мамлакатимизда граждан маҳсулоти ишлаб чиқаришда саноатнинг мудофаа тармоқларида орттирилган катта фан-техника тажрибасидан кенг кўламда фойдаланиш вазифаси фаоллик билан ҳал этилаётганлигини таъкидлади.

Ҳамонки, ҳозирги бир-бири билан боғлиқ дунёда илмфан ютуқлари умуминсоний мулк бўлиб қолаётган экан, Совет Иттифоқи фан ва техниканинг турли соҳаларида кенг кўламда ҳамкорлик қилишга тайёрдир. Хитой билан муносабатлардаги ана шундай ҳамкорлик эса яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғинларидан биридир. СССРда ўтказилаётган ХХР фани ва техникаси кунлари ҳам ана шундан далолат бериб турибди, бу тадбир резервлар қидиришни рағбатлантиради, юксак технология соҳаларидаги ҳамкорликда катта потенциал имкониятлар борлигини кўрсатиб турибди.

Сун Цзянь СССРда ўтказилаётган Хитой фани ва техникаси кунлари ҳам 1988 йилнинг ноябрь ойида ХХРда бўлиб ўтган Совет фани ва техникаси кунлари сингари иккала халқ бир-бирига ниҳоятда қизиқиб қараётганлигини акс эттиради, кўпгина йўналишларда Совет—Хитой алоқаларини кенгайтиришга ёрдам беради, деди. Совет фани фундаментал тадқиқотларнинг бир қанча соҳаларида пешқадамлик қилаётганини таъкидлаб, Сун Цзянь фан ва техника кунлари чоғида Совет ва Хитой мутахассислари, олимлари ва ишлаб чиқариш ходимлари ўртасидаги ижодий алоқалар чуқурлашади, деб умид билдирди. Ўз ишини бошлаган кўргазма совет кишиларига Хитой социалистик модернизациялашни амалга ошириш йўлида қўлга киритган ютуқлар ҳақида тўлароқ тасаввур беради ва иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларда олға қараб силжиш бўлишига кўмаклашади.

Ҳамжиҳатлик ва ошкоралик руҳида ўтган дўстона суҳбат чоғида Совет—Хитой ҳамкорлигининг бир қанча амалий масалалари хусусида фикр алмашуви ҳам бўлди.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг 15 июль куни бўлган мажлисида Ўзбекистон ССР Давлат план комитети, бир қанча министрликлар ва идоралар, шунингдек Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети раҳбарларининг эътиборини ўзлари белгилаган планлар ва топшириқларни бажаришдаги сусткашликка қаратди ҳамда улардан йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини тўлдириш учун таъсирчан чоралар кўришни талаб қилди. Шу билан бир қаторда республиканинг иқтисодий органларига, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетига ва республика Давлат қурилиш комитетига бир қатор конкрет топшириқлар берилди.

Мажлисда ижрони контрол қилиш тариқасида уруш ва меҳнат ветеранларининг турмуш шароитини яхшилашга оид ишларнинг аҳволи кўриб чиқилди. Республикада қабул қилинаётган муайян тадбирлар ҳозирча уруш ва меҳнат ветеранлари, меҳнатга яроқсиз гражданлар ва ўз боқувчисидан маҳрум бўлган оилаларга социал-маиший хизмат кўрсатиш даражаси кескин оширилишини таъминламаётганлиги айтиб ўтилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг бир қанча ижроия комитетларида ветеранларнинг социал-маиший аҳволини яхшилашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Социал таъминот муассасаларини ривожлантириш, интернат уйларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари ҳозирги замон талабларига мос келмайди. Уларнинг кўпчилигида типовой озиқовқат блоклари, ошхоналар, ҳаммом ва кир ювиш объектлари йўқ, территориялари ободонлаштирилмаган. Ҳозирча минг кишининг ўз уй-жой шароитини яхшилаш тўғрисидаги аризаси қониқтирилмай қолмоқда. 500 дан ортиқ ветеран ўтган йилнинг бошларида телефон ўрнатиш учун ҳисобда турган.

Президиум бундай аҳволни мутлақо тоқат қилиб бўлмайдиган аҳвол, деб атади ҳамда қариялар ва инвалидлар учун интернат уйлар қуриш ва уларни ишга тушириш топшириқлари барбод этилганлиги учун Сирдарё ва Тошкент область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари Ю. К. Галкин ва Л. П. Терновихга хайфсан эълон қилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети маҳаллий Советлар ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР министрликлари ва идоралари раҳбарларидан мажлисда айтилган кескайиб қолган гражданларга хизмат кўрсатиш ишларидаги жиддий камчиликлар тўғрисидаги танқидий фикрлардан зарур хулосалар чиқаришни ва бу муҳим ишга муносабатни тубдан ўзгартиришни талаб қилди. Уларга РСФСРнинг Ульянов области совет ва хўжалик органлари «Ғамхўрлик» программасини рўёбга чиқариш соҳасида тўпланган тажрибадан амалий ишда фойдаланиш таклиф этилди. Президиум ишида Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси Р. Ғ. Ғуломов иштирок этди, монтаж ишлари лимити фойдаланилмай қолди.

Президиум қабул қилинган қарорда республика министрликлари ва идоралари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети раҳбарларининг эътиборини ўзлари белгилаган планлар ва топшириқларни бажаришдаги сусткашликка қаратди ҳамда улардан йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини тўлдириш учун таъсирчан чоралар кўришни талаб қилди. Шу билан бир қаторда республиканинг иқтисодий органларига, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетига ва республика Давлат қурилиш комитетига бир қатор конкрет топшириқлар берилди.

Мажлисда ижрони контрол қилиш тариқасида уруш ва меҳнат ветеранларининг турмуш шароитини яхшилашга оид ишларнинг аҳволи кўриб чиқилди. Республикада қабул қилинаётган муайян тадбирлар ҳозирча уруш ва меҳнат ветеранлари, меҳнатга яроқсиз гражданлар ва ўз боқувчисидан маҳрум бўлган оилаларга социал-маиший хизмат кўрсатиш даражаси кескин оширилишини таъминламаётганлиги айтиб ўтилди.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг бир қанча ижроия комитетларида ветеранларнинг социал-маиший аҳволини яхшилашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Социал таъминот муассасаларини ривожлантириш, интернат уйларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари ҳозирги замон талабларига мос келмайди. Уларнинг кўпчилигида типовой озиқовқат блоклари, ошхоналар, ҳаммом ва кир ювиш объектлари йўқ, территориялари ободонлаштирилмаган. Ҳозирча минг кишининг ўз уй-жой шароитини яхшилаш тўғрисидаги аризаси қониқтирилмай қолмоқда. 500 дан ортиқ ветеран ўтган йилнинг бошларида телефон ўрнатиш учун ҳисобда турган.

Президиум бундай аҳволни мутлақо тоқат қилиб бўлмайдиган аҳвол, деб атади ҳамда қариялар ва инвалидлар учун интернат уйлар қуриш ва уларни ишга тушириш топшириқлари барбод этилганлиги учун Сирдарё ва Тошкент область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари Ю. К. Галкин ва Л. П. Терновихга хайфсан эълон қилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети маҳаллий Советлар ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР министрликлари ва идоралари раҳбарларидан мажлисда айтилган кескайиб қолган гражданларга хизмат кўрсатиш ишларидаги жиддий камчиликлар тўғрисидаги танқидий фикрлардан зарур хулосалар чиқаришни ва бу муҳим ишга муносабатни тубдан ўзгартиришни талаб қилди. Уларга РСФСРнинг Ульянов области совет ва хўжалик органлари «Ғамхўрлик» программасини рўёбга чиқариш соҳасида тўпланган тажрибадан амалий ишда фойдаланиш таклиф этилди. Президиум ишида Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси Р. Ғ. Ғуломов иштирок этди.

ИЗЛАНИШ. НАТИЖА. ИСТИҚБОЛ.

ИНСТИТУТГА — ОЛТМИШ ЙИЛ

Пахта жаҳондаги энг қадимий қишлоқ хўжалик экинларидан бири бўлиб, у республикамизда икки минг йилдан зиёд вақтдан бери экиб келинади. Суғориладиган ерларда бу экинни ўстириш борасида асрлар бўйи тўпланган тажриба Ўзбекистонда Улуғ Октябрь революциясидан сўнг пахта етиштиришни кескин кўпайтиришга имкон берди.

Улуғ Октябрь революциясининг дастлабки йилларидаёқ Совет ҳукуматининг декретларида Ўрта Осиё ва Закавказьеда пахтачиликни ривожлантириш бўйича катта программалар белгиланди.

1929 йил июль ойида пахтачилик бўйича илмий тадқиқот ишларини бирлаштириш мақсадида пахтачилик илмий тадқиқот институти ташкил этилди. 1930 йилга келиб, унга сув хўжалиги бошқармаси ва Туркманистон ССР, Тожикистон ССР, Қирғизистон, Қозоғистон ва Закавказье республикаларининг ер ишлари халқ комиссарлиги пахтачилик бошқармаларининг тажриба хўжаликлари қўшилиши натижасида институт тармоқлари кенгайди. Шу даврда институт «Бутуниттифоқ пахтачилик, пахта саноати ва ирригация илмий-тадқиқот институти» деб номлана бошлади.

Қисқа муддатда юзага келган илмий ташкилотлар биринчи беш йилликда мамлакатимизнинг пахта мустақиллиги учун курашига актив қўшилди ва пахта етиштиришни кўпайтиришга катта ҳисса қўшди. Олимларнинг тавсияларига амал қилиш натижасида пахта етиштириш агротехникасида катта бурилиш бўлди, механизация даражаси сезиларли ошди. Пахтачиликни техник жиҳатдан реконструкциялаш амалга оширилди.

Илмий ташкилотлар урушдан кейинги даврларда ҳам пахтачиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар. Шу даврларда олимлар томонидан пахта экиладиган турли зоналарда мўл, сифатли ва эртаки ҳосил олишга ёрдам берадиган ғўзани парваришлашнинг янги усуллари яратилди. Ўсимликни суғориш, ўғитлардан, дефолиант ва десикантлардан самарали фойдаланиш, пахта-беда алмашлаб экишни жорий этиш, ўсимликни касаллик ва зараркунандалардан ишончли ҳимоя қилиш, тармоқни комплекс механизациялаш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Кейинги йилларда СоюзНИХИда вильт касаллиги ва тупроқ эррозиясига қарши кураш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Мутахассис кадрлар ва илмий ходимлар тайёрлашда ҳам институтнинг роли бор. Шунингдек, институт олимлари ғўза парваришининг прогрессив агротехникасини, тупроқ унумдорлигини ошириш усулларини ишлаб чиқдилар. Бинобарин, пахтанинг истиқболли навлари яратилди. Касаллик ва зараркунандаларга қарши самарали чоралар топилди. Янги машина ва механизмлар яратилди.

Шунга қарамай, турғунлик йиллари даврида бошқа соҳаларда бўлгани каби олимлар фаолиятида ҳам анчагина камчиликлар юз берди. Йирик муаммоларни ҳал қилиш ўрнига илмий ходимлар майда-чуйда нарсалар билан ўралишиб қолдилар. Фан билан ишлаб чиқариш ўртасида узилишлар юзага келди. Яратилган янгиликлар бир неча йиллар мобайнида жорий этилмай маънавий жиҳатдан эскирди.

Натижада республикамизда пахтачилик асосан экстенсив йўлдан ривожланди. Якка экин ҳокимлиги юзага келди. Тупроқ унумдорлиги пасайиб кетди. Олинаётган ҳосил сифати ҳам, салмоғи ҳам талабга жавоб бермай қўйди. Шу билан бирга чорвачиликнинг озуқа базаси ночорлашиб қолди.

Мамлакатимизда авж олган қайта қуриш институтимиз олимлари олдига ўз фаолиятларида кескин бурилиш ясаш вазифасини қўйди. Давр руҳига мос ҳаракат қилишга интилаётган коллективимизнинг илмий кучлари пахтачиликни интенсив ривожлантиришга интилмоқда. Ана шу мақсадда аниқ тадбирлар белгилаб олинган. Шулардан бири пахта экиладиган зоналарда тупроқ унумдорлигини ошириш, алмашлаб экишни жорий этиш, минерал ўғитлардан фойдаланишни яхшилашдир.

Кўп йиллик тажрибалар асосида институт коллективи томонидан республика пахта комплексида илмий асосланган алмашлаб экишни жорий қилиш тавсия этилди. Ана шу тавсияларга мувофиқ республикамизда 2005 йилга қадар пахтачиликни ривожлантириш консепцияси юзага келди. Бу консепцияда ҳамма тармоқлар: пахтачилик, шолизачилик, сабзавот, картошка, полизчилик ва чорвачиликни уйғун ривожлантириш ўз аксини топган. Шунга мувофиқ 2000 йилга келиб пахта комплексида ғўза ўстириладиган майдонларни 60 процентга қадар камайтириш, беда ва бошқа озуқа экинлари етиштиришни кўпайтириш кўзда тутилган.

Институтда олиб борилаётган тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан яна бири тупроқда биологик азот миқдорини кўпайтиришдир. Олиб борилган тажрибаларнинг кўрсатишича бу борадаги тавсияларни қўлланиш орқали ҳар гектар ерда биологик азот миқдорини 400 килограммгача кўпайтириш, далаларнинг фитосанитария ҳолатини яхшилаш, жойларда экологик муҳитни соғломлаштириш мумкин.

Институтда индустриал, энергия ва сувни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқишга катта эътибор бериляпти. Кейинги йилларда республикамизда сув танқислиги рўй бераётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, сувдан тежамли фойдаланиш технологияси муҳим аҳамият касб этади. Бу борада пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини суғоришнинг механизациялашган ва автоматлашган усулларини яратиш хусусидаги ишлар диққатга борилаётир. Тадқиқот натижаларини қўлланиш катта самара бериши шубҳасиздир.

Пахта экилаётган зоналарда хўжалик юритиш борасида йўл қўйилган жиддий камчиликлар туфайли шўрланган ерлар майдони кўпая бошлади. Агар Ўзбекистондаги суғориладиган ерларнинг қариб ярми турли даражада шўрланганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, тузни йўқотиш мақсадида олиб бориладиган мелиорация ишлари қанчалик муҳимлигини билиб олиш қийин эмас. Мелиорация бўлимининг тадқиқотлари ерни туздан тозалаш ва унумдорлигини оширишга қаратилган.

Тажрибаларнинг кўрсатишича Қарши чўли, Бухоро воҳаси ва Хоразм областида очиқ зовурлардан, Мирзачўлда эса вертикаль дренажларга ўхшаш очиқ коллектор дренаж тармоқларидан, Фарғона водийсида ёпиқ горизонтал дренажлардан фойдаланилса яхши самара берар экан.

Шуни таъкидлаш керакки, республикамизда суғориладиган ерларнинг 252,94 минг гектари юқори даражада шўрлангандир. Бу ерларни шўрдан халос этиш учун жуда кўп миқдорда сув ва узоқ вақт керак бўлади. Шунинг учун институт олимлари бу ерларни мелиоратив майдонлар сифатида ажратиш ва бир неча йил мобайнида комплекс тадбирлар: капитал текислаш, шўр ювиш, ерларни ўзлаштиришга ёрдам берадиган экинларни экишни тавсия этмоқдалар.

Ҳозирги экологик вазият кам заҳарли бўлган дефолиантларни ўрганиш ва тезроқ ишлаб чиқаришга тавсия этишни тақозо қилмоқда. Институтимизда бу борада катта тадқиқот ишлари олиб борилаётир. Ҳозиргача истиқболли «Дўстлик», «Ҳаёт», «Дропп», «Дефлоракс» ва бошқа жуда кўп дефолиантлар синовдан ўтказилди. Бунинг натижасида «Ҳаёт», «Дропп», «Геметрал» дефолиантлари ғўза баргларини сифатли туширишини билан бирга зарарсизлигини кўрсатди.

Институт пахта етиштирадиган хорижий мамлакатлар, жумладан Хитой Халқ Республикаси, Болгария илмий муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Бир-бирларига турли хил технологиялар, уруғлик етказиб беришяпти. Мутахассислар малакасини ошириш йўлга қўйилган. Илмий ишлаб чиқариш системалари ва кооперативларини яратиш орқали институтда ишлаб чиқилаётган илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этишни такомиллаштирилаётир.

Бизнингча бундан буён пахтачиликни илмий асосда интенсив ривожлантириш учун ғўза етиштириш технологияси, ўсимликларни ҳимоя қилиш масалалари, қишлоқ хўжалиги машиналари ва қуролларини яратишни битта илмий марказга жамлаш ва унга шу соҳадаги тадқиқотларни молия билан таъминлаш ҳуқуқини бериш керак. Ана шунда «Союзхлопок» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси республикамизда пахта етиштиришни самарали бўлишига кўпроқ ҳисса қўша олади.

Р. ҲУСАНОВ,
«Союзхлопок» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, иқтисод фанлари доктори.

Суратларда: лаборатория мудири Дилором Муҳиддинова, лаборантка Қутбиннисо Турсунбоева ва илмий ходим Евгений Белоусов тажриба участкасида. Институт биносининг ташқи кўрниши.

А. Зуфаров суратлари.

КАМИДА ЮЗ СЎМ!

Ўзбекистон Театр арбоблари союзи ўз фаолиятини асосан ижодкорлик учун имкониятлар яратиш, улар муаммоларини ҳал қилишга қўмаклашишга қаратади.

Кам миқдорда пенсия оладиган Союз аъзолари ветеран актер ва режиссёрларга қай йўсинда моддий ёрдам қилиш мумкин, бунинг учун қаердан молиявий резерв олиш мумкин? Ижодий союзда бу ҳақда кўпдан ўйлаб келинар, имкониятлар қидирилар эди.

Шу йил 21 июнда Ўзбекистон Театр арбоблари союзи правлениеси мазкур масалаларни ҳал қилди. Союз қошида пенсияларга қўшимча тўлаш учун махсус комиссия иш бошлади. Шу йилнинг 1 июлидан иш бошлаган бу комиссия ветеран актёр, режиссёр ва театр арбоблари пенсияларини энг камида 100 сўм миқдорида бўлишини таъминлайди ҳамда бу иш узил-кесил 1991 йилгача амалга оширилади. Союзнинг бундай имконияти театрларо ишлаб чиқариш комбинати фаолиятини кенгайтириш, хайрия концертлари ва бошқа тадбирлар уюштириш ҳисобига бўлади.

Бу хайрли ишни тез суръатлар билан амалга ошишига, пенсионерларнинг ўзлари ёрдам беришлари, яъни бу ҳақдаги ҳужжатларини ўз вақтида комиссияга келтириб бермоқлари лозим.

Республикамиз областларида истиқомат қиладиган театр ветеранлари эса бу ҳақда яшаш жойларидаги театр арбоблари союзи секцияларига мурожаат қилишлари мумкин.

Н. ФИОЛЕТОВА,
Ўзбекистон Театр арбоблари союзи ходими.

САМАРҚАНД ТЕАТРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

● БИРОБИДЖОН

Самарқанд давлат опера ва балет театри артистлари ўзларининг энг яхши саҳна асарларини Узоқ шарқлик томошабинлар ҳукмига ҳавола этдилар. Бугун Биробиджонда ана шу коллективнинг гастроллари бошланди. Ўрта Осиёдан келган труппа бу ерда катта программани намойиш қилади. Классик асарлар — «Дон Кихот» балети, «Кармен», «Севилья сартароши» операларидан ташқари ўзбек миллий санъати дурдоналари ҳам бу программадан ўрин олган. Меҳмонлар завод клубларининг ва маданият саройларининг чоғроқ саҳналари, маданият ва истироҳат боғларининг очиқ майдончалари учун махсус мўлжалланган «Шарқ куй ва рақслари» тематик программасини тайёрлашган. Гастроль афишаларида болалар учун мўлжалланган спектакларнинг ҳам номлари бор.

(ТАСС).

Кузбасддаги вазиятга доир

КЕМЕРОВО, 15 июль. (ТАСС мухбири Г. Шалакин). Кузбасс шахтерлари иш ташлашганига бугун беш кун бўлади. Энди унинг маркази Междуреченскдан Прокопьевскка кўчди. Шаҳарнинг марказий майдони, шунингдек шахтерлар проспекти ва унинг атрофидаги кўчалар кечаю-кундуз ўн минглаб одамлар билан тўла. Шаҳар минбари рўпарасида қуёш қиздириб турган пайтда ҳам, ёмғир ёғаётганида ҳам — доимо коржома кийган шахтерлар ўтиришибди.

Кемерово конидаги СССР Кўмир саноати министрлигининггина эмас, шу билан бирга РСФСР Ёқилғи саноати министрлигининг ҳам шахталарида иш тўхтаб қолган. Шаҳар раҳбарияти иш ташлаш комитетига иш бошлашни илтимос қилиб мурожаат этди, бироқ бу таклифни комитет ҳам, иш ташловчилар ҳам қувватлашмади. Область марказидаги совет майдонида митинг ўтказаётганлар муаммоларнинг ҳал этилишини тезлаштириш учун Кузбассга ҳукуматнинг мухтор вакилларини юборишни таклиф қилдилар.

Междуреченск ва Прокопьевскдан кўмир келмай қолганлиги оқибатида Кемерово коксхимия заводида қийинчиликлар вужудга келди. Агар аҳвол ўзгармаса, икки кундан кейин бу мураккаб ишлаб чиқаришни тўхтатиш зарурияти вужудга келади.

Междуреченскда вазият нормаллашмоқда, бироқ, масалан, мамлакатдаги энг йирик «Распадская» шахтасида ўтган кеча-кундуз мобайнида 21 минг тонна кўмир ўрнига фақат бир минг тонна ёқилғи қазиб олинди.

Кемерово область партия комитетининг аъзоси, Кемерово шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. Овденко воқеаларни шундай шарҳлайди:

— Ишчилар Кузбасс учун ғоят муҳим муаммоларни кўтариб чиқмоқдалар. Бу муаммоларнинг анчагинасини СССР Кўмир саноати министрлиги ва СССР Министрлар Совети ҳал қилиши мумкин. Назаримда, аввало ҳавзадан кўмир қазиб олишга ёндашувларга ҳамда бузилган табиий мувозанатни тиклаш жараёнларига муносабатларни аниқлаб олиш, региондаги социал соҳага муносабатни қатъиян ўзгартириш керак. Ахир Кузбасс турар жой, мактабгача болалар муассасалари, профилакторийлар билан таъминланишда, ободончиликда ва бошқа кўпгина соҳаларда Россия Федерациясининг аксарият областларидан анча орқада қолаяпти. Яъни Кузбасс муаммоларига комплекс ёндашмоқ керак.

Областдаги бутун аҳоли кўтариб чиқилган муаммолар юзасидан қандай конкрет чора-тадбирлар кўрилишини ва улар бажарилишининг аниқ муддатларини билишлари лозим. Менимча фақат мана шундай йўл тутишигина кишиларни тинчлантириши мумкин. Ҳозирча эса Кўмир саноати министрлиги иш ташловчиларнинг айрим саволларига рўйрост жавоб беришдан бўйин товлаяпти.

АҲВОЛНИ НОРМАЛЛАШТИРИШ УЧУН ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

БОТКЕН. (Ўш области). 15 июль. (ТАСС). Боткен районининг аҳолиси билан Тожикистон ССРнинг қўшни Исфара районининг аҳолиси ўртасидаги муносабатлар кескинлашганидан кейин бу ерга Қирғизистон ва Тожикистон Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари А. М. Масалиев ва Қ. М. Маҳкамов, мазкур республикалар Министрлар Советларининг Раислари А. Д. Жумағулов ва И. Ҳ. Ҳаёев келдилар. СССР Олий Совети халқ депутатларининг бир группаси ҳам бу ерга келган.

Қирғизистон Компартияси Боткен район комитетида ва Тожикистон Компартияси Исфара шаҳар комитетида кенгашлар бўлиб ўтди. Ушбу кенгашларда иккала республика раҳбарлари ва СССР халқ депутатлари иштирок этдилар. Бу йиғинларда содир бўлган вазиятни соғломлаштириш учун конкрет тадбирлар кўрилди. Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Қ. М. Маҳкамов Тожикистон ССР Министрлар Советининг Раиси И. Ҳ. Ҳаёев бошчилигида фавқулодда ҳукумат комиссияси тузилганлиги ҳақида ахборот берди. Ушбу комиссия Исфара райониданги вазият тўла барқарорлашгунича ишлайди.

Матчойи каналини тозалаш ва 15 июлдан бошлаб Боткен районининг «В. И. Ленин 100 йиллиги» совхозига сув бериш ҳақида қарор қабул қилинди. Иккала республикада баҳс боиси бўлган вазиятни соғломлаштириш ва ҳамжиҳатлик руҳида ишлаш юзасидан ҳукумат комиссиялари тузишга қарор қилинди. Комиссиялар масалани узил-кесил ҳал этиш учун зарур таклифлар тайёрлашлари керак. Қирғизистон ва Тожикистоннинг партия, совет ва хўжалик органлари можароли вазиятни тезроқ бартараф этиш, республикалардаги икки қўшни районни иқтисодий ва социал ривожлантириш, қирғиз ва тожик халқлари қардошларча дўстлигини мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароит яратиш юзасидан конкрет тадбирлар кўрмоқдалар.

✦ МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ТАРИХ САҲИФАСИ

Қорақалпоғистонда ва Хоразм областида машҳур жарроҳ Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўрозмат Холмуродовнинг номи жуда машҳур. У ўзининг бутун ҳаётини Амударё қуйи соҳилларида яшовчи кишиларга бағишлади.

Халқ орасида бу кишини севиб «Холмурод дўхтир» деб аташарди. Улка оқсоқоллари унинг Қизил Армия жангчиси, йигирманчи йилларда Жунаидхон ва Хонмақсум тўдаларига қарши курашган афсонавий Шайдаков отряди қатнашчиси сифатида кўрсатган жасоратларини ҳам унутмайдилар.

Ҳозирги кунда биринчи Нукус касалхонаси Ў. Холмуродов номи билан аталади. «Холмурод доктор» деган ҳужжатли қиссада унинг афсонавий ҳаёти ҳикоя қилинади. Қисса муаллифи врачнинг дўсти ва тенгдоши, Қорақалпоғистон халқ маорифи ветерани Т. Ҳожимуратовдир. Адиб ўз ишида архив ҳужжатларидан, замондошларнинг хотираларидан, Қорақалпоғистон муаллифлари асарларидан олинган парчалардан фойдаланган. «Ўлкамиз ажойиб кишилари» китоблар туркумидаги бу қиссани «Қорақалпоғистон» нашриёти чиқарди.

(ЎзТАГ).

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи тарихи музейи туркистончи-жангчиларнинг кураш ва ғалабаларидан иборат қаҳрамонона йўли ҳақида бой маълумот беради.

Суратда: музей залларидан бирида.

А. МАНТРОВ сурати.

СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН

ХАНДАҚ четида бўлим командири кичик сержант Улуғбек Тўраев турарди:

— Ў—ўўў, чуқур қазишни қойиллатибсиз-ку, — деди у солдат Аваз Носировга.

— Нима бўпти, мен ўзимга қулай қилиб қазидим-да, — деб жавоб берди хандақда яхшироқ жойлашиб олиб Аваз. Бўлим командири ўзининг ҳамюрти бўлишига қарамасдан Фарғона педагогика институтининг собиқ студенти Аваз Носиров бироз дангалроқ муомала қиларди.

— Демак, хандақ тайёр, — сўради Тўраев. — Бироқ сизнинг пешонангиздан тер чиқмабди. Ҳар эҳтимолга қарши солдатлик ҳақиқатини эслатиб қўймоқчиман. Ғалабанинг таъми шўр бўлади, дейишади. Кимки меҳнат қилмаса, у муваффақиятга эришиши қийин...

Албатта Аваз бу сафар ҳам сержант билан баҳслашиши мумкин эди. Лекин бундай қилмади. Ҳамма солдатлар иш билан машғул эдилар. У ҳам белкуракни қўлидан қўймади. Умрида белкурак тутмаган Авазнинг кафтлари қизиб, беллари бироз оғрирди.

Аваз ўтириб, бироз дам олмоқчи бўлди.

— Ухлаяпсизми, ўртоқ Носиров? — сержант Тўраев гап қотди.

Аваз ҳушёр тортди. Шоша-пиша ўрнидан турди.

— Мен сизга инженерлик ишлари бажарилганлиги тўғрисида маълум қилишингизни буюрган эдим, — дея дашном берди Тўраев.

— Унутибман. Хандақни ковлаб бўлдим-ку. Буни айтмасам ҳам бирор нарса ўзгариб қолмайди-ку.

— Тартибга риоя этиш керак. Кейинги сафар сизни жазолашим мумкин. Огоҳлантиришни эътиборга олишингизни сўрайман. Энди ўз хандағингизни шундай ниқоблангки, «душман» сизни мутлақо сезмасин.

— Шу ҳам ҳамшаҳарми? У мендан нима истайди. Ҳали пайтавани яхши ўрамаяпсан, ҳали ошхонада овқатни жудаям секин ейсан, деб жиғимга тегади, — дея ўзича мулоҳаза қиларди Аваз.

— Энди бўлса ковлаган хандағим ҳам ёқмабди. Унинг чуқур эмаслиги маъқул тушмади. Ана, Ашировнинг бўйи 1 метру 85 сантиметр. У ҳар қанча чуқур ковласа бўлади. Менинг бўйим бор-йўғи 1 метру 60 сантиметр бўлса. Бекорга чуқур ковлаб нима қиламан. «Жиддий «жанг» бўлиши мумкин», — сержантнинг гапини кесатиш аралаш қайтарди у.

— «Горбатий» тепалиги яқинида «душман»нинг пиёда аскарлари! — кузатувчининг овози жаранглади.

Уларнинг взводи эгаллаб турган тепалик олди теп-текис бўлиб, яшил ўтлар билан қопланганди. Унинг ортидан тизма тоғлар кўринарди. Душманнинг ҳужуми худди ана шу ердан бошланиши аниқ эди.

Носиров атрофга зеҳн сола бошлади. Тактик шароит унга аниқ-равшан бўлиб қолди.

Бундан ортиқ ўйлаб бўлмайди. Тепаликнинг ўнг томони — далалар. У ёққа «душман» йўламайди. Чап томонда чуқур жарлик. Демак ҳужумчилар қачон тоғ ёнбағрига чиқишларини кутиб туриш керак. Бу ерда уларни «йўқ» қилиш унчалик катта кучни талаб қилмайди. Носиров сержантга ҳазиломуз айтган: «душмандан ҳар нарса кутиш мумкин, айниқса тоғ шароитида», деган сўзларини хаёлидан ўтказди.

— Душман ҳужумини қайтаришга тайёрланинг! — сержантнинг командаси эшитилди. Аваз автоматини ерга қўйиб, каскасини тўғрилади.

Кетма-кет портлаш рўй берди. Сержант Тўраев эса ҳали ўз қўл остидагиларга ўт очиш ҳақида буйруқ берганича йўқ.

Ниҳоят ҳавода сигнал берувчи ракета пайдо бўлди.

— Хайрият, — енгил нафас олди Аваз, — ва қандайдир қизиққонлик билан автоматдан кетма-кет ўқ узди.

Қаршилик кўрсатаётган томон солдатлари ер бағирлаб, ҳарбий ўйин қонунига амал қилиб, бутунлай орқага чекиндилар.

Мана, сизга бутун бошли «жанг», — деди сержант. Сўнг — ўрганишга қазиган хандақларингиз яхши иш берди, — қўшиб қўйди у. Шу орада бирдан навбатчи кузатувчининг овози эшитилди.

— Танклар!

Ўтган йилги тиканаклардан ясалган тўсиқлар орқасидан танклар аста-секин ўрмалаб кела бошлади. Носиров бехосдан бошини эгди. Танк минораси у томон йўналтирилганда этлари жунжикиб кетди. «Яширин маневр» — деган хаёл келди унинг миясига. Танк эса аллақачон Авазга яқинлашиб қолганди. Солдат бу баҳайбат нарсадан чўчигандай хандаққа ўтириб олди. У ерда иккита қўқув гранатаси борлигини ҳам унутаёзди. Танк зарбидан ер ларзага келди.

Сержант Тўраев танкка қараб граната улоқтирди.

Аваз Носиров бошини кўтарганда, баҳайбат машина ундан бир неча метр нарида турарди.

Танк яна улар томон яқинлаша бошлади. Сержант Авазнинг ёнида турганлиги унга ана шу дақиқада ишонч бағишлаётган эди.

— Хандақча ҳам қўл келди, — деди Носиров. — Тўраев уни маъқуллаб елкасига қўлини қўйганини сезди.

Аваз мўлжаллаб туриб гранатани улоқтирди.

Олдинги галдагидек ер ларзага келди. Яна ҳамма ёқни қуюнди иси босиб кетди. Авазда эса ўз ҳаракатларига ишонч пайдо бўлди. Хандақдан югуриб чиқиб яна граната улоқтирди. Граната танк решеткасига тушди.

Ўқув жанги якунланди. Аваз Носиров бўлим командирини диққат билан тинглади. Офицер дала машқларига якун ясарди:

— ... Солдатлик меҳнати оғир. Бугун, ўртоқлар, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қилдингиз. Бўлинма аъло ҳаракат қилди. Менимча, галабанинг таъми шўр бўлишини ҳар биримиз тушуниб етдик.

Кейин алоҳида намуна кўрсатган жангчиларнинг исм-шарифларини тилга олди. Улар орасида Аваз Носиров ҳам бор эди.

Майор В. КОЗЛОВ.

Наманган областида «Совет Ўзбекистони»нинг мухбири Абдуҳошим МАДАТОВ иш бошлади. Қуйида унинг дастлабки мақоласини эътиборингизга ҳавола этамиз.

• *Қайта қуриш чорраҳаларида*

ҚИШЛОҚДА ЎЗГАРИШ БЎЛАДИМИ?

Меъёр

Учқўрғон районида аҳолини мева ва эртаки сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида бу йил 200 гектар пахта майдони боғ, сабзавот, полиз экинлари ҳамда колхозчиларга якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилди. Ўз-ўзидан маълумки, бу ҳолда давлатга пахта топшириш плани шунча ер ҳисобига камайиши лозим эди. Амалда эса, бунинг акси бўлди. План камайиш ўрнига кўпайди: район бўйича ўтган йилга нисбатан 85 тонна кўп, яъни 53985 тонна план белгиланди.

Районда бўлганимизда биринчи майда ёққан қор ғўза униб чиққан 6,5 минг гектар майдонни бузиб, қайта чигит экишга мажбур этгани ва бошқа табиий қийинчиликларга қарамай район пахтакорлари белгиланган планни ортиги билан уддалашга азму қарор қилганликларини айтишди. Район шароити билан оз бўлса-да, таниш бўлган киши бу сўзлар қуруқ ваъда бўлиб қолмасмикан, деган шубҳага бориши табиий. Негаки, районда ўзлаштириш учун бир қарич ҳам ортиқча ер йўқ. Бундан ташқари тоғдан тушаётган сувнинг ҳаддан зиёд совуқлигидан айни саратонда ҳам унга оёқ яланг тушиб бўлмайди. Яқин йилларгача пахта планининг ўлда-жўлда қолиб кетишига сув ғўзани яхлатиб қўяётгани асосий «сабаб» бўлиб келарди. Мана шундай шароитда планни қайси имконият ҳисобига ва қандай бажариш мумкин? Бу саволимизга район қишлоқ хўжалиги мутахассислари «Деҳқончилик маданиятини юксалтириш орқали», деб жавоб беришди. Хўш, деҳқончилик маданияти нима? Унга қандай эришиш лозим?

— Деҳқончилик маданияти деҳқон маданияти билан чамбарчас боғлиқ, — дейди район партия комитети биринчи секретари К. Раймижонов. — Шу боис биз бу борадаги ишимизни қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш даражаси, фаровонлигини оширишдан бошладик. Колхозчиларнинг ўз меҳнатидан моддий ва маънавий манфаатдорлигини ошириш эса бунинг асосий омилларидан бири бўлди. Шу йўл билан аста-секин деҳқончиликдан кўнгли совий бошлаган одамларни яна заминга қайтара бошладик.

Айрим кишилар деҳқончилик маданиятини фақат илғор техника ва технологиядан унумли фойдаланиш, меҳнатни оқилона ташкил этишдан иборат деб билишади. Аммо шуни унутмаслик керакки, одамларнинг ўз бурчига виждонан, онгли муносабатини таъминламай туриб, ҳар қандай замонавий техникадан ҳам самарали фойдаланиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, деҳқончилик маданияти сидқидилдан қилинган онгли меҳнат самарасидир. Район меҳнаткашларига мустақиллик берилиб, ерга чинакам хўжайинлигини таъминланиши уларнинг она заминга, меҳнатга муносабатини тубдан ўзгартирди. Меҳнаткашларнинг иш жараёни, дам олиши, умуман, бутун фаолиятида ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан ижобий ўзгаришлар рўй берди. Биз бунга район хўжаликларида бўлганимизда яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Охунбобоев номли колхоз 1-бригада дала шийпони деҳқаткашларнинг чинакам оромгоҳига айланган. Бу ерда ёш болали аёллар, эркаклар дам олиш хоналари чиннидек топ-тоза. Кичкинтойлар ўз хоналарида, оппоқ пар тўшакларда мириқиб ухлашмоқда. Дала шийпони олдидаги пайкалда сабзавот, полиз маҳсулотлари ғарқ пишиб ётибди.

Колхоз ва совхозларнинг машина-трактор паркларида ҳам ҳамма ёқ саранжом-саришта. Уларнинг биронтасида ерга тушиб қолган ортиқча болт, гайка ёки темир парчасини учратмадик. Пахта териш машиналарининг аппаратлари плёнкалар билан ўраб, бир четга териб қўйилган. Ўз хизматини ўтаб бўлган плуг, бороналар эса тозаланиб, ремонтдан чиқарилган ҳолда ўз ўрниларидан — усти берк айвончаларидан жой олган.

«Ленинград» колхози машина-трактор паркида бор-йўғи уч-тўрт киши турли юмушлар билан банд бўлиб юришибди. Иш вақтида бу ерда одамлар камлигидан ажабланаётганимизни кўрган машина-трактор парки мудири Убайдулла Орипов:

— Айни пайтда ўз ишимизни далаларга кўчирганмиз. Бутун диққат-эътибор ишлаб турган техника воситаларининг бир дақиқа ҳам сабабсиз тўхтаб қолмаслигига қаратилган. Бу ерда эса оперативе ремонт группаси навбатчилик қиляпти, — деди у ўз ҳамкасбларига ишора қилиб.

Биз нафақат даҳқонларнинг дам олиш жойларида, меҳнат коллективларида, балки пахта пайкалларида ҳам ана шундай саранжом-саришталикнинг гувоҳи бўлдик. Далаларда бирорта бегона ўт йўқ. Ҳар туп ниҳолга бир неча бор деҳқон қўли тегиб, меҳр билан ишлов берилгани шундоққина кўриниб турибди.

Биз «Андижон» колхози правлениеси раиси Олимжон Сотволдиевнинг узоқ йиллар давомида районда пахта плани бажарилмай келганига шароитнинг оғирлиги, айниқса сувнинг ўта совуқлиги баҳона бўлиб келгани ҳақидаги фикри билан қизиқдик.

— Тўғри, шароитимиз оғир. Лекин бу мавжуд қийинчиликларни рўкач қилиш учун асос бўлолмайди. Бизнинг шароитимиз жуда эҳтиёткорлик билан деҳқончилик қилишни тақозо этади. Айниқса, сугориш пайтидаги озгина эътиборсизлик ҳам ғўза ниҳолларининг юқоридан олган иссиқлик ҳароратини кескин пасайтириб юбориши мумкин. Шунинг учун биз ғўзага сувни калта жўяклар бўйлаб енгил тараймиз ва нам ғўза илдизига етиб-етмай сувни тўхтатамиз. Орадан уч-тўрт кун ўтмай ғўза қатор ораларига ишлов бериб, ер ҳароратини яна нормаллаштириб оламиз. Агар ғўза қондириб суғорилса, сувнинг яхналиги нафақат ер ҳароратини пасайтириб юбориши, балки ниҳолларни ёппасига нобуд қилиши ҳам ҳеч гап эмас.

Мана, тўрт йилдирки, районимиз меҳнаткашлари шундай қийинчиликларга қарамай, план-топшириқларни ортиғи билан бажариб келишяпти. Бу давр ичида барча хўжаликлар, районимиз иқтисодий жиҳатдан анча мустаҳкамланиб, областдаги илғор ҳаллардан бирига айланди. Демоқчиманки, сидқидилдан қилинган меҳнат ҳеч қачон зое кетмайди.

Ҳақ гап. Виждонан қилинган меҳнат албатта ўз самарасини беради. Айни пайтда район меҳнаткашлари бир туп ғўзадан бир ярим-икки туп ғўза ҳосилини олиш учун астойдил меҳнат қилишмоқда. Акс ҳолда белгиланган планни уддалаш қийин. Бироқ район мутахассислари, меҳнаткашлари таъкидлаганларидек, давлатга пахта топшириш планини камайтириш ҳақида жиддий ўйлаб кўриш керак. Негаки, ердан, мавжуд имкониятлардан фойдаланишнинг ҳам чеки-чегараси, меъёри бўлиши лозим.

Манфаатдорлик

Районда аҳолини озиқ-овқат, айниқса эртаки сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи узоқ йиллар давомида ҳал этилмай келарди. Кейинги йилларда район меҳнаткашлари ўз ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бу муаммони бартараф этишга киришдилар. Хўжаликлардаги эски, қаровсиз боғларнинг атрофи ўралиб, тартибга келтирилди. Қишлоқ кўчаларидан тортиб то район марказий кўчаларигача очиқ жойларга олма, ўрик, шафтоли, жийда каби мевали дарахтлар ўтқазилди.

Пахта планини бажариш нечоғли қийин бўлишига қарамай аҳолини мева ва эртаки сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида ҳар бир хўжаликдан 8-14 гектардан майдон боғ, сабзавот ва полиз экинлари учун ажратилди. Бу жойлар оилавий пудратчиларга бириктириб, ердан қор кетмасданоқ дала ишлари бошлаб юборилди. Шу билан бир қаторда ҳар бир хўжаликнинг ўзида эртаки сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан савдо қилувчи бир нечтадан дўкончалар ташкил этилди.

Бу дўкончаларда дастлаб март, апрель ойларида ошкўк, укроп каби кўкатлар, кейинчалик редиска, эртаки карам, қулупнай, помидор ва бошқа маҳсулотлар пайдо бўла бошлади. Шаҳар бозорларида бундай маҳсулотларнинг нархи осмондалигида қишлоқ меҳнаткашлари ўз уйларининг олдидан уларни арзон нархда бажонидил харид қилдилар. Райондаги мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларидаги кичкинтойларни эса бундай маҳсулотлар билан бепул таъминлашга эришилди.

— Очиғи, илгарилари сабзавот ва полиз экинлари учун ер ажратиш қораланарди. Сабаби — бундай маҳсулотлардан кам даромад олинади, улар ўзини оқламайди, деган бир ёқлама тушунча ҳукм сурарди, — дейди Охунбобоев номли колхоз правлениеси раиси, республикада хизмат кўрсатган агроном Абдулазиз Жўраев. — Биз бундай тушунча нотўғри эканлигини амалда исботладик. Масалан, бу йил 3 гектар майдонда етиштирилган қулупнайдан 10 тоннадан зиёд ҳосил олиб, фақат шунинг ўзидан 18.5 минг сўм соф даромад олдик. Умуман, 8 гектарда етиштирилган барча турдаги эртаки сабзавот ва полиз экинларидан олинган даромадимиз 50 минг сўмдан ошиб кетди. Бу яна хўжалигимиз меҳнаткашлари ўзларидан орттириб савдога чиқарганлари холос. Ҳозир турли кўкатлар, редиска, эртаки карамдан бўшаган 6 гектар майдонга картошка экдик. Ундан олинган ҳосил боғча, яслиларимизни, хўжалигимиз меҳнаткашларини қишки картошка билан тўла таъминлайди.

Райондаги 10 хўжаликнинг барчасида меҳнаткашларни мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлаш ишлари мана шундай планли равишда олиб борилмоқда. Қишлоқ хўжалиги мутахассислари аҳолига ўз томорқаларидан самарали фойдаланишда ҳам яқиндан ёрдам беришяпти. Илгарилари кўплаб томорқаларга беда ёки маккажўхори экилар, ҳатто айримлари қаровсиз қолиб кетарди.

Эндиликда бундай ҳолга чек қўйилди. Ҳар бир хўжаликда меҳнаткашларнинг ўз томорқаларида аҳолига зарур маҳсулотлар етиштириш учун имконият яратилиб, лозим бўлганда маслаҳатлар берилди. Бу борадаги ибратли ишлар орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ўз самарасини берди. Эрта баҳорда ўз томорқаларида сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштирган деҳқонларнинг олди шу пайтгача 2 минг сўмдан даромад қилишди. Айни пайтда қишлоқ меҳнаткашлари ўз томорқаларида маҳсулот етиштириш ва уни вақтида сотишда ёрдам берганликлари учун колхоз ва совхоз раҳбарларидан миннатдор бўлишяпти.

Район хўжаликларида аҳолини сервитамин ноз-неъматлар билан нафақат ёзда, балки қиш ойларида ҳам таъминлаш учун барча тадбирлар кўрилмоқда. Ана шу мақсадда бу йил «Партия XXIV съезди» колхозида консерва цехи очилди. Ушбу хўжаликнинг консерва цехида бўлганимизда бу ерда иш қизғин давом этарди. Катта электр қозонларда ўрик, олча меваларидан мураббо тайёрланмоқда. Тайёр маҳсулотлар хонасида эса қулупнай, тут, гилос меваларидан тайёрланган 15 минтга яқин банка тахлаб қўйилган. Умуман жорий йилда хўжалик консерва цехида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни юз минг шартли банкага етказиш ва ундан 750 минг сўм соф даромад олиш кўзда тутилмоқда.

Район партия комитетининг аҳолини озиқ-овқат, мева, сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини қондириш борасидаги ташаббуси меҳнаткашлар томонидан қизғин қўллаб қувватланмоқда. Шу туфайли бу соҳадаги барча ишлар уюшқоқлик билан, ортиқча ҳаракатларсиз ва қийинчиликларсиз амалга оширилмоқда. Масалан, бу йил эрта баҳорда район хўжаликлари территориясида ҳамма ер бўлиб 130 гектардан зиёд янги боғ оқсоқоллар бошчилигида ҳашар йўли билан бунёд этилди.

Айни кунларда бу боғлардаги жами мевали кўчатларнинг 97-98 процента барг ёзиб, кўкка бўй чўзмоқда. Оилавий пудратчилар томонидан ҳар бир ниҳол меҳр билан парвариш қилинмоқда. Жумладан, «Андижон» колхозида 10 гектар ерда ташкил этилган янги боғ 12 та оилавий пудратчига шартнома асосида бириктиб қўйилган.

— Мен 35-40 йилдан буён деҳқончилик қилиб келаман, — дейди шу колхоз оила пудратчиси Этамберди Тожибоев. — Аммо деҳқонга шу даражада ғамхўрлик қилиниб, эътибор берилгани, унинг меҳнати қадрланганини эслай олмайман. Кейинги 3-4 йил ичида хўжалигимизда, районимизда рўй бераётган ўзгаришларни кўриб баъзан ўзимча шунчалик бўларкан-ку, деб ўйлаб қоламан.

Наврўз байрамида қишлоқ аҳли ҳашар қилиб, мана шу боғни ташкил этди. Эртаси куни янги ташкил этилган боғнинг бир гектарини оилам билан ижарага олишни сўраб колхоз раҳбарларига мурожаат қилдим. Улар рози бўлишди. Колхоз билан янги ниҳолларни парвариш қилиш ва бу ердан 140 тонна қовун-тарвуз етиштириб бериш тўғрисида шартнома туздик. Ҳозир бир гектар ернинг қайси жойида қандай мевали кўчат бўлиги ва унинг қандай ривожланаётганини беш қўлдек биламан. Оилам қарамоғидаги боғда ҳозир ҳаммаси бўлиб 12 турдаги 500 тун мевали кўчат бор. Янги ниҳолларнинг ҳар бирини кунда бўлмаса ҳам, кун ора кўриб-кузатиб бораман.

Э. Тожибоев сўзларидан ҳам кўриниб турибдики, деҳқонларнинг ерга, ўз меҳнатига муносабати тубдан ўзгариб бораяпти. Биз бошқа хўжаликларда ҳам одамларнинг мана шундай ерга меҳр билан, сидқидилдан меҳнат қилаётганини кўрдик. Район меҳнаткашларининг онгида, бутун фаолиятида туб бурилиш сабабларини сўраганимизда, уларнинг аксарияти «Бағримизга шамол тегиб, меҳнатимизга яраша манфаатдорлигимиз ортиб бораётир» деб жавоб беришди.

Ҳақиқатан ҳам, район ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар бугун ҳеч кимни лоқайд қолдирмаяпти. Ҳамма янгиланиш, покланиш жараёнида фаол қатнашиш истагини билдирмоқда. Бу ўринда район раҳбарларининг турли чақириқларсиз, маъмурий-буйруқбозликсиз халқ билан бамаслаҳат иш юритаётгани муҳим роль ўйнамоқда.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ЯНГИ КАНАЛ

«Паркентводстрой» трестининг 1-ихтисослаштирилган механизация колоннаси Озиқ-овқат программасини ҳал этиш ишида фаол қатнашишга аҳд қилди. Улар барпо этаётган Паркент каналининг иккинчи навбати Тошкент областининг Коммунистик районида янги хўжаликлар ташкил этиб, мева-сабзавот етиштиришга имконият яратади.

Каналнинг янги тармоғи тоғ ёнбағриларидан 19 километрга чўзилади, секунд сайин 14 куб метр сув ўтказиб туради. Иншоот қурилишида жадал суръат ташаббускорлари кўпайиб бормоқда. Бульдозерчи Йўлчи Тўхтабоев, экскаваторчи Анатолий Безруков иккинчи квартал социалистик мусобақасида олдинги ўринларни эгаллади.

Шундай илғорлар меҳнати билан канал қурилишидаги ишлар кўлами кенгайиб, суръати жадаллашмоқда.

Т. ШОЮСУПОВА.

БОЙЛИК МЕҲНАТДАН

Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик, деб бежиз айтилмаган. Қашқадарё «Нефтгазгеология» бирлашмаси аъзоларини хўжалик ҳисоби усулида ишлаш туфайли давлат топшириқларини ҳам бажаришяпти, ўз социал-маиший эҳтиёжларини қоплашга ҳам етарли маблағ ишлаб топишяпти.

Бирлашма корхоналарида эндиликда инсон омилига эътибор кучайди. Уй-жой қурилиши кўламлари кенгаймоқда. Қарши шаҳрида 32 квартирали янги уйнинг калити нефтчи, газчи ва геологлар оилаларига топширилди. Қоравулбозор ҳамда Косонда ҳар бири 16 квартирали уйлардан 2 таси кетма-кет қуриб битказилди. Бирлашма янги посёлкалар тиклаш билан бир қаторда, эскиларини газлаштириш, марказий тармоқ орқали иситиш тадбирларини ҳам кўрмоқда. Бу ишларга кетадиган маблағни коллектив хўжалик ҳисоби усулида ишлаш йўли билан топаётгани диққатга сазовор. Яна 4 та коттеж, 392 ўринли мактаб, 280 ўринли боғча, профилакторий қуриш кўзда тутилмоқда.

М. КОМИЛХЎЖАЕВА.

ВАҚТДАН ЮТИБ

—Вақтинг кетди — нақдинг кетди, деган халқ мақоли темирйўлчилар шанига айтилгандай, — деди Бухоро-1 юк станцияси бошлиғи ўринбосари Ҳикматилла Ўроқов. — Коллективизм ҳаракатдаги составлар имкониятларидан тўғри фойдаланиш тадбирларини муттасил амалга ошириб келмоқда.

Шу туфайли юк ортиш-туширш жараёнларида вагонларнинг бекор туриб қолиши кескин камайди. Масалан, кейинги 6 ойда вагонлар умрининг эсе ўтиши 3,5 процент қисқарди. Меҳнат унумдорлиги эса 4,3 процент ортди. Ўтган йили Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида СССР Темир йўллар министрлиги кўчма Қизил байроғини қўлга киритган бухоролик транспортчилар вақтдан унумли фойдаланиб, вагонлар ҳаракатини тобора тезлаштиришга эришмоқдалар.

М. УСМОНОВ.

• *Беш йиллик илғорлари*

ИБРАТ

Ўтган йил апрель охирида рўй берган воқеа Владислав Южалкин хотирасидан ҳали-ҳали кетмайди. Котлованда бетонлаш ишлари эндигина бошланган пайтлар эди. Бригада етакчиси одатига кўра ерталаб барвақтроқ ишга келди. Қай кўз билан кўрсинки, куни кеча иш маромида поёнига етаёзган котлованда сув тўлиб турарди.

Объектнинг айрим жойларида бетон блоклар бутунлай сув тагида қолиб кетган. Кечаси кучли жала ёғиб, тўппа-тўғри асосий корпус пойдевори тикланаётган жойга уриб кетди. Котлованнинг бир неча ерига зудлик билан қудратли насослар ўрнатилди. Сел суви шу насослар ёрдамида Қарши магистрал каналига чиқариб ташланаверди. Қисқа вақт ичида 30 минг куб метр сув каналга ташланди.

Бригада бошлиғи Владиславнинг ғайрат-шижоати ва ташаббускорлиги билан сел оқибати бартараф этилди. Табиий офат қурувчиларга сабоқ бўлди. Улар сув тошқини рўй берган тақдирда оби ҳаётни каналга буриб юборадиган махсус канал барпо қилдилар. Бетонлаштирилган канал бундай воқеалар рўй берган тақдирда сувни тезоблик билан тортиб кетадиган бўлди.

Бугунги кунда Южалкин бригадаси дейилганда Толлимаржон ГРЭСи қурилиш майдонларида жасорат кўрсатиб меҳнат қилаётган сергайрат кишилар коллективи кўз олдингизда намоён бўлади. ГРЭС қурилиши бошқармаси бошлиғи А. Бозоров мана бундай деди:

— Бригада аҳлининг кучи бирликда. Бригадирнинг ташкилотчилиги ва қурувчилар қалбига йўл топиб иш тутиши муваффақиятлар омили бўлмоқда. Яна бир гапни айтиш керак. Бригадада меҳнат унуми ортиб, сифат кўрсаткичлари муттасил яхшиланиб бормоқда.

Дарҳақиқат, Владислав Южалкин қурилишдаги бутун фаолияти мобайнида тўғри сўзлиги, меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги орқали обрў орттирди. Раҳбарнинг обрўси кўп нарсани белгилаб беради. Бригада бошлиғининг ўзига хос бундай жиҳати 16 миллат вакили уюшган меҳнат коллективининг муваффақиятлари муттасил кўпайиб боришига ёрдам бермоқда.

Сирасини айтганда, уни Қарши даштининг яловбардор кишиларидан бири деб аташ ўринли бўлур эди. Нега деганингизда, у даштдаги кўпгина иншоотлар қурилишига муносиб ҳисса қўшган. Армия хизматини ўтаб қайтганидан кейиноқ даштга отланди. Толлимаржон шаҳри қурилишида гишт терувчига шогирд тушди. Магистрал канали бўйлаб қурилган насос станцияларини тиклашда жонбозлик кўрсатди. Сал ўтиб, бригадага етакчи этиб тайинланди. Даштдаги ўнлаб объектлар қурилишида унинг мардона меҳнати из қолдирди.

Сув омбори қурилиши, тугалланган сўнг ўзи истиқомат қилаётган Нишон шаҳрида қолиши, ўзига муносиб иш топиши мумкин эди. Бунақа қилишга кўнгли чопмади. Владислав ўз уйида уч кун ҳам ўтиролмади. Тўғри, рўзгори бут, турмуш ўртоғи ҳам тузуккина маош олиб турибди. Лекин гап маошнинг ўзидагина эмас. Кўнглинг чопган ерда меҳнат қилсанг, қалбинг яйрайди. Ишингда унум бўлади. Қилган меҳнатингдан ҳамиша қувнаб юрасан.

Шундай мулоҳазалар уни Толлимаржон ГРЭСи қурилиши сари етаклади. Чўлда донг таратган бу қурувчининг ташрифи қурилиш бошқармаси бошлиғи А. Бозоровни қувонтириб юборди. Чунки у Владиславнинг довруғини эшитганди. Бунинг устига у бир ўзи эмас, бутун бошли бригада тузиб келганини айтмайсизми?

Даштнинг Оловуддин тепаликлари ёнбағри янги бригада учун жасорат майдони бўлиб қолди. Нурхона пойдеворини барпо этиш, турли металл конструкцияларни монтажлаш мутахассислардан юксак аниқлик ва пухта ҳаракатлар қилишишни талаб этади. Катта-кичик ҳар бир ишни сифатли бажариш жиддий қўйилди. Чунки нурхона қурилаётган участканинг тупроқ таркиби, ер рельефи мураккаброқ. Бунинг устига шу замин сейсмик зонада жойлашган. Пухталик ва сифат алоҳида талаб бўлиб қолганлигининг боиси шунда. Бригада азаматлари бу вазифани сидқидилдан адо этиб, иш суръатини жадаллаштиришга эришмоқдалар.

Бригаданинг кейинги объектдаги ишлари ҳам кўзга ташланиб қолди. Иш қўламлари кенгайиб, бригада қурувчилари сони 95 кишига етди. Пойдевордаги бетон блоклар кун сайин кўкка интилиб боряпти. Масъулиятли бу участкадаги ҳар бир иш — қуйилган бетон, ўрнатилган арматура, монтажланган конструкциялар мутахассислар томонидан қайта-қайта текширувдан ўтказилмоқда. Пайвандлаш, изоляциялаш сифати алоҳида назорат остига олинган. Бетон блоклар ўрнатилгани сари унинг тагидаги котлованга соз тупроқ солиб, шиббаланмоқда. Шу ишларнинг мутахассислар томонидан назорат қилиб борилиши бригада обрўсини янада оширмоқда. Ҳар бир текширув асосан муваффақиятли якунланиб, бригада аъзоларининг сифат кўрсаткичларига бўлган эътибори ортиб бораётганлигини тасдиқлаяпти.

Куни кеча бригада янги объектга монтажчилар юборди. Улар нурхонанинг дудбуронини монтаж қилишга киришиб кетдилар. Монтаж қилинаётган минора 270 метр баландга кўтарилади. Корхона ишлаётган пайтда чиқадиган дудни тортиб кетадиган шу қувур минора яхлит темир-бетондан тикланмоқда. Бу объект ҳам унча-мунча коллективга эмас, балки худди В. Южалкин бригадасига топширилганлигининг ўз маъноси бор, албатта. Қисқа вақт ичида миноранинг пойдевор қисмидаги асосий ишлар бажариб қўйилди. Миноранинг бўйи ҳозир 7 метрга етди.

Бригада котлованда шу кунгача 32 минг куб метрдан зиёд бетон ишларини адо этди. Ўрнатилган арматуралар 8 минг тоннадан ортиқ. Анчагина металл конструкциялар монтаж қилинди. Бригаданинг Собир Мавлонов, Сатторқул Бўриев, Рифқат Рахматуллин, Алексей Плешевцев, Жалол Мавлонов, Абдурашид Абдуназаров каби пайвандчи, монтажчи, бетончилари даштшароитида ҳам фидойилик кўрсатмоқдалар.

Биз Владислав Южалкин бригадаси тажрибаси ГРЭС қурилишидаги бошқа участкаларда ҳам кенг ёйилаётганининг гувоҳи бўлдик. Шундай жонкуярлар ва ғайратшижоат билан меҳнат қилаётган кишилар сафи кенгайган сари нурхона объектлари тезроқ қад ростламоқда. Тикланган ҳар бир объект бинокор меҳнатига ўрнатилган ҳайкал каби ўзини намойиш қилиб турибди. Ана шундай излар жасоратли меҳнат туфайли эканини унутиш мумкин эмас.

П. ГАДОЕВ,
Қашқадарё области.

• САНЪАТ

«ҲАЙТАРМА»НИНГ АЙТАР СЎЗИ

М. Қориёқубов номидаги ўзбек давлат филармониясининг «Ҳайтарма» қрим-татар ашула ва рақс ансамбли республикамизда оригинал репертуари ва ўзига хос ижрочилиги билан ажралиб турадиган бадиий коллективлардан биридир. Унинг ташкил этилганига ўттиз йилдан ошди. Шу давр ичида ансамбль шаклланди, ижодий ривожланди ва камолот пиллапояларига кўтарилди. Унинг илк қадамлари дадил ва самарали бўлишида жонкуяр санъаткор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ильяс Бахшишнинг хизматлари каттадир. У талантли ёшларни ансамблга жалб қилиб, якдил фикрли ижодий муҳит яратди. Тажрибали санъаткорларнинг кўмагида таянди. Айни вақтда уларнинг тажрибаларидан фойдаланди. Қрим-татар санъати анъаналарини ижрочиликда кўз қорачиғидай асраб-авайлаб давом эттирди. Бирин-кетин халқ эътиборига, санъат мухлисларига ҳавола этилган куй, қўшиқ ва рақслар дастлабки изланишларнинг яхши самаралари сифатида кутиб олинди. Ансамблнинг илк программасига мурожаат қилган санъатшунослар энг аввало ўзига хос ижрочиликни бир овоздан таъкидладилар. Кўп қўшиқлар бевосита коллектив ташаббуси билан ёзилганлиги туфайли тез орада халққа манзур бўлди.

Ана шу программа ҳақида сўз кетадиган бўлса, ҳайтармачиларнинг ўзлари ҳам, томошабинлар ҳам «Бейим одаман», «Койде байдам», «Тим-тим», «Ағир ава» рақсларини алоҳида ифтихор билан қайд қилишади. Хореография санъатининг энг яхши тажрибалари асосида яратилган бу ўйинлар ғоятда халқчиллиги, қолаверса, миллий жилолари билан диққатга сазовор. Раққосалар ҳаракатида сохталикни кўрмайсиз. Қалбдан берилиб ўйинга тушаётган санъаткорларнинг завқли, илҳомбахш ҳаракатлари залдагиларга ҳам завқ улашади, беихтиёр. Ансамбль бу ўйинларни деярли барча иттифоқдош республикаларда, шунингдек, чет элларда бир неча бор намойиш этган. Томошабинлар рақсларни ҳамма вақт бирдай илиқ кутиб олгаилар.

«Ҳайтарма» муваффақияти сирларидан бири шуки, у Ўзбекистон композиторларининг асарларига мунтазам мурожаат қилиб туради. Ҳамкорликда қўшиқ ва рақслар яратади. Программасидаги тилга тушган, узоқ йиллардан бери ижро этиб келинаётган бир қатор вокаль-хореографик композициялар худди шундай ижодий изчиллик ва яқинлик туфайли дунёга келган. Бу йирик саҳна ишларини ниҳоясига етказишда ҳайтармачилар машҳур Моисеев ансамбли тажрибаларига таяниб иш кўришди. Эндиликда мана шу асарлар ансамбль репертуарини безаб турибди.

Ансамбль репертуари интернационал мазмуни билан ҳам диққатга сазовордир. Унда ҳозирги кунда русча, ўзбекча, молдаванча, тожикча куй ва рақслар бор. Коллектив қардош халқларнинг тароналарига мурожаат қилар экан, ниҳоятда масъулият билан, ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлади. Иложи борича миллий руҳни ёрқин кўрсатадиган куй-қўшиқ ва рақсларни саҳнага олиб чиқишга интилади. Бундай ёндашув ўзининг ажойиб самараларини бериб келяпти. Айни кунларда «Ҳайтарма» концертини томоша қилган киши ўзини қардош халқлар санъати чаманидан баҳраманд бўлгандай ҳис қилишига ишончимиз комил.

Ансамбль ёш, иқтидорли талантлар ҳисобига кенгайди. Эндиликда унинг устоз ижрочилари ҳам, истеъдоди ёрқин кўзга ташланиб турган умидли ёш ижрочилари ҳам бор. Шуниси қувончлики, коллективда томир отган азалий анъаналар ҳамма вақт активлик билан давом эттириб келинмоқда. Устозлар шогирдлар билан ишлашдан эринишмайди, аксинча, завқ билан ишлашади. Шу ўринда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Урие Керменчиклиларни ансамблнинг бадиий раҳбари, бош дирижёри Делявер Бекиров жонкуярлигини таъкидлаб ўтса арзийди. Уларнинг ташаббуси, изланиши ва даъвати натижасида кўп янги асарлар саҳналаштирилган. Бу асарлар ёшларни элга, томошабинга таништиришда катта роль ўйнаб келаётир. Иккинчидан, устозлар ўз репертуаридаги севимли қўшиқ ва рақсларини ўзининг ижросига ҳамоҳанг равишда ёшларга ўргатишади. Масалан, У. Керменчиклининг «Сейдали Куртсеит», «Къушакли қиз», «Эки пугъу», «Антереси ала бензеюр» каби машҳур қўшиқларини ёшлар ҳам мамнуний билан ижро этишмоқда. Умуман, моҳир хонандани «Ҳайтарма» ёшларининг меҳрибон мураббийси, талабчан муаллими деб бемалол айтиш мумкин.

Д. Бекиров изланишлари, маҳорати туфайли ансамбль программаси янада бойиди, асарлари тағин ҳам сайқал топди. Санъаткор адабиётни, санъат оламида бўлиб турадиган янгиликларни пухта билади. Ҳамма вақт ҳаёт билан актив ҳамқадам бўлишга ҳаракат қилади. Шу боисдан унинг ташаббуси билан жуда кўп замонавий мавзудаги асарлар яратилди. Айни вақтда вокал ва хореография санъатининг классик намуналарига ҳам изчил мурожаат қилиниб келиняпти. Д. Бекиров раҳбарлигида яратилган худди шундай асарлар жуда кўп конкурс ва фестивалларда программасида намойиш этилиб, муносиб тақдирланган. Моҳир санъаткорга яқинда «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берилди. Бу бадиий раҳбар ва бош дирижёр меҳнатига, қолаверса, «Ҳайтарма» фаолиятига берилган юксак баҳодир.

«Ҳайтарма» репертуарларини халққа етказишда Ремзие Баққал, Джемиле Османова, Рустем Меметов, Г. Тамакова каби таниқли ва ёш ижрочиларнинг ҳам хизматлари катта. Улар ансамблнинг бугунги кундаги активлари ҳисобланади. Куни кеча коллектив ҳаётида қувончли воқеа қайд этилди: вокалчиларнинг V республика конкурсида қатнашган Г. Тамакова фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати «Ҳайтарма» қрим-татар ашула ва рақс ансамбли раҳбари Д. Бекиров билан учрашганимизда, у шундай деди.

— Томошабинлар, мухлисларимиз кутган даражада ижодий фаолият кўрсатишга интиляпмиз. Лекин изланишларимизни юз фоиз тўкис деб айтолмаймиз. Давр шиддати, талаби бизни янада активроқ, янада сифатлироқ, мазмунлироқ ишлашга даъват этмоқда. Шундай экан, бор кучимизни, имкониятларимизни ишга солиб ижод қилишимиз керак. Токи, бизни учратган зийрак санъат ихлосманди ансамбль ўз фаолияти моҳиятини пишиқ пухта англаб ижод қилаётган экан, десин. Бизнинг қалб садоимизни, сўзимизни қўшиқда ҳам, рақсда ҳам бирдай англаб турсин. Бу садо, бу сўз эзгуликдир!

Айтар сўзинг, қалб садоинг янада баланд парвоз қилсин, янграсин, «Ҳайтарма».

Д. ҚИРҒИЗБОЕВ.

●

Суратларда: Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти лауреати Джемиле Османова ҳамда ансамбль рақслари.

З. ШЕРФЕДИНОВ суратлари.

• *Хат йўлга чорлади*

Бошқотирма

Редакцияга ташвишли хат келди. Ургутлик меҳнат ветерани Раҳмат Қориев ёзишича, район қишлоқларида ижтимоий муаммолар тўпланиб қолган. Узлуксиз экиб келинаётган тамакидан аҳоли озор чекмоқда, турли хасталиклар кўпаймоқда. Яна бошқа муаммолар бир талай...

Мактуб йўлга чорлади. Ургут районининг «Коммунизм» колхози кўчалари бўйлаб юрар эканман, отахон ва онахонлар ўз ҳасратларини тўкиб солишди.

— Биласизми, яқин-яқинда қиш пайтида қишлоққа кўчар эдик, ёзда эса боғимизда яшардик. Боғмисан боғ эди-да ўзиям. Меваларидан тўйиб еб, қиш учун тут қоқи, тут шинниси, узум, майиз, узум шинниси, туршак, жийда, шафтоли қоқи тайёрлардик. Энди-чи? У гаплар худди афсонага айланиб қолди.

Раҳмат Қориевнинг гапини бошқаси илиб кетди.

— Тамаки етиштиришдаги машаққатларни айтмайсизми? Шароитимиз эса ёмон. Уйларимиз газлаштирилмаган. Бу муаммони ўрганиш учун район газлаштириш идорасига йўл олдик.

— «Коммунизм» колхозига икки километрли газ қувурларини ётқизиш плани ўтган йили режалаштирилган эди, — деди бошлиқ Қ. Қурбонов. — Лекин иш охирига етказилмади. Негаки бу ишни 7-механизациялашган кўчма колонна ишчилари бажаришлари лозим эди. Аммо иш ора йўлда қолиб кетди. Бу йилги режага кўра асосан Н. Крупская ва М. Горький номли колхозларда иш олиб бормоқдамиз.

Ана холос! Бошлиқ шундай деб важ кўрсатгандан кейин... нима ҳам қила оласан?

2-юқумли касалликлар шифохонасида аҳвол қандайлигини кўргимиз келди.

— Ростини айтсам, — 1960 йили колхоз правлениеси биноси мана шу шифохонага айлантирилганди, — куюниб сўз бошлади бош врач Т. Маматов. — 4 йилдирки юқумли касалликларни даволашга ўтганмиз. Табиий газ келмаган, иссиқ сув йўқ, биномиз тўкилиб кетай деб турибди. Ҳатто санитария талабларига ҳам тўла жавоб бермайди.

Шифохона палаталарини кўздан кечирамиз. Хоналар тор, медицина анжомлари эски. 50 ўринли шифохонада 120 бемор даволанаётганлиги район раҳбарларининг парвойига келмайди, шекилли.

А. Макаренко номли 31-ўрта мактабда бўлганимда бу ерда ҳам бир дунё муаммоларни эшитдим.

Меҳнат ветерани Р. Қориевнинг мактубини колхоз правлениеси раиси Э. Санаевга кўрсатдим.

— Бу ерда ёзилган барча нуқсонлар тўғри, — деди раис. — Биргина газлаштириш муаммосини олайлик. 1982 йили газлаштириш учун 198910 сўмлик 28,7 километрга мўлжалланган лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган эди. Афсуски, бу иш ҳалигача пайсалга солиб келиняпти. Колхозимиздаги 63-, 31-ўрта мактаб, юқумли касалликлар шифохонаси, 3 та болалар боғчаси, 1 та амбулатория газлаштириш борасида юқори ташкилотларга боравериб чарчадик.

Муаммолар, муаммолар... Раҳбарлар «бажарамиз» деб ваъда беришаверади-ю, кўп ўтмай эсларидан чиқиб кетади.

Орадан бир ой ўтгач, яна меҳнат ветерани Р. Қориевдан хат келди. У ўз мактубида район ижроия комитетига боргани, шу йил 1 километр газ қувурларини ўтказишга рухсат олгани, сўнг эса область газлаштириш идораси бошлиқлари рад жавоб бергани-ю, 1990 йил учун руҳсатнома олиб келиш зарурлигини ёзади.

Ажабо, меҳнат ветерани энди қаерга мурожаат қилса экан?

У. МУҲАМЕДОВ.

СПОРТ

РЕКОРДЧИНИНГ УРИНИШЛАРИ

● ЛОНДОН. Лангар билан сакраш устаси, жаҳон рекордчиси донецклик Сергей Бубка халқаро мусобақада 5 метр 85 сантиметрли маррани эгаллаб, ғалаба қозонди. Шундан кейин у 6 метру 7 сантиметрли баланддан ошишга уч бор ҳаракат қилди. Лекин янги жаҳон рекорди учун бу галги уринишлар зое кетди.

КУЧЛИ ОЛТИЛИКДА

● ДНЕПРОПЕТРОВСК. Бутуниттифоқ ёшлар спорт ўйинлари программасидан ўрин олган батутдан сакраш мусобақалари кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Тошкентлик Дмитрий Полярушнинг чиқишлари диққатга сазовор бўлди. У ўзининг мураккаб, чаққон ва нафис ҳаракатлари билан мутлақ биринчиликни қўлга киритди. Республикамиз батутчилари умумкоманда ҳисобида кучли олтиликдан жой олишди.

ЮҚОРИ НАТИЖА

● БРЯНСК. СССР ва ГДР енгил атлетикачилари ўртасида ўтказилган анъанавий мусобақада совет спортчилари 228:171 ҳисобида ғалаба қозонишди. Бу муваффақиятга тошкентлик Виктор Зайцев муносиб ҳисса қўшди. Йигирма уч ёшли бу спортчи найза улоқтиришда 81 метру 6 сантиметр маррани эгаллаб, ғалабага эришди. Унинг нияти 85, қолаверса 90 метрга найза улоқтириб, жаҳон рекордини ўрнатиш.

СПОРТЛОТО

16 июлда ўйналган 29-тиражда қуйидаги ютуқли рақамлар қайд этилди.

«45 дан 6»: 4, 17, 23, 27, 33, 44.

«36 дан 5»: 4, 10, 18, 33, 34.

• *Ажаб савдолар*

КЎРИНМАС ОДАМ

Тоҳир Ўрмонов ҳар қандай қуруқ гапдан ваҳимага тушадиган кишилардан эмасди. Газета-журналлардан «кўринмас одам»лар тўғрисида кейинги пайтда кўпайиб қолган хабарларни қизиқиб ўқиса ҳам, буларнинг ҳаммаси ғирт ёлғон, деб ҳисобларди.

Лекин кейинги ойларда у ишлайдиган магазинда содир бўлаётган мўъжизалар уни ҳам «кўринмас одам» борлигига ишонтира бошлади. Чунки келиб-келиб у ишлайдиган магазинда ҳар икки-уч кунда нимадир йўқоладиган бўлиб қолди.

Дастлаб икки тўп декоратив газламадан бири ғойиб бўлди. Кейин тўрт дона аёллар қимматбаҳо мўйна телпагининг бирини «кўринмас одам» бошига кийиб кетди. Кунларнинг бирида Т.Ўрмонов синаш учун кассада уч юз сўм қолдириб кетган эди, унинг юз сўми ҳам йўқолди.

Нақотки «кўринмас одам» келиб-келиб Дўрман матлубот жамияти правлениесининг қоқ пешонасида жойлашган мана шу биринчи магазинни танлаган бўлса? Тоҳир Ўрмонов бу тўғрида правление раиси А.Нарзиевага оғиз очганида, дарҳол милицияга хабар қилиш лозимлигини уқтирди.

Бироқ Т. Ўрмонов маслаҳатга қулоқ солмади. Чунки содир бўлаётган мўъжизалар уни милиция ходимларига ҳам ишонтирмай қўйди. Ахир, магазин тегишли сигнализация воситалари билан жиҳозлантирилган. Яқиндагина монтажчилар унинг созлигини текшириб кетишди...

Тоҳир шахсан ўзи «кўринмас одам»нинг қўлидан ушлашга қарор қилди. Айни совуқ кунларда кечалари магазин ёнидаги қурилишга яшириниб, атрофни кузатди. Аммо ҳеч нарсани сеза олмади. Магазиннинг ичига кириб яширинишдан бошқа илож қолмади. Тоҳир магазин ёнидаги гўшт дўконида ишлайдиган ҳамкасби Омон Ҳалимовга дардини ёриб, ундан ёрдам сўради. Омон розилик берди.

Улар уч кеча магазин ичида тунаган бўлсалар ҳам «кўринмас одам» қорасини кўрсатмади. Бир кеча танаффус қилишган эдики, у ҳозир бўлиб яна бир қиммматбаҳо нарсани кўтариб кетди.

Охири шу йилнинг 26 апрель тунида «кўринмас одам» қафасга тушди. Ўша кечаси ижковлон одатдагидек ҳушёр ҳолда ташқаридан келган ҳар бир шарпага қулоқ солишди. Тун яримлаб қолганида магазиннинг орқасидаги омборхона олдида нимадир тарақлаб кетди. Кимдир аста-секинлик билан омборхона эшигига яқинлашмоқда эди. Мана, у эшик устидаги дарчага михланган фанер парчасини суғуриб ташлаб, қандайдир бир мўъжиза билан темир панжара ўртасидан ўрмалаб ичкарига кирди. (Кейинчалик аниқланишича панжара эговлаб қўйилган экан).

«Кўринмас одам» қўл фонарини ёқиб, омборхона ичидаги моллари синчиклаб кўздан кечира бошлади. Икки дўст ҳам шу ерда яшириниб ётган эдилар. Улар «кўринмас одам» ҳаракатларини ҳаяжон билан кузатиб туришди, кейин ўзларини қўлга олиб, унинг қаршисида пайдо бўлишди.

Тўсатдан рўпарасига чиқ-қан икки қўланка «кўринмас одам»нинг ўтакасини ёриб юборди. У бўкирганича ўзини магазиннинг ичкарисидаги катта ойнаванд деразага уриб, ташқарига чиқиб кетишга уринди. Лекин қалин ойна синмади.

Икки ўртада қаттиқ олишув бўлди. «Кўринмас одам» эмас, балки туппа-тузук одамбашара ўғри уларга жон ҳолатда қаршилик кўрсатди. Йигитлар унинг оёқ-қўлларини боғлашга муваффақ бўлишди. Орадан кўп ўтмай бу ерга милиция ходимлари етиб келишди.

Магазин ўғриси Сергей Троицкий экан. У худди шу районда вояга етиб, мактабни тугатганидан кейин ҳарбий хизматга жўнади. Хизматни тугатгач, Узоқ Шарққа ишга кетди. Шу йилнинг январида эса юртини қумсаб, Шофирконга қайтди ва таниш-ларидан бирининг уйида яшай бошлади.

Тоҳир Ўрмонов сотувчилик қиладиган магазин ўғри яшайдиган хонадондан беш юз метр узоқликда эди. С. Троицкий бирон ҳунар этагини тутиш ўрнига, тунда мана шу магазинга қатнай бошлади.

Айни маҳалда район ички ишлар бўлими ходимлари тунда содир бўлган ўғрилик бўйича тергов ишлари олиб боришмоқда. Шу муносабат билан бир неча савол туғилади. С. Троицкий деярли тўрт ой мобайнида Шофирконда бемалол ҳаёт кечириб юрди, лекин текширадиган киши топилмади. Участка инспектори шу пайтгача қаёққа қаради экан? Модомики С. Троицкий магазинга қайта-қайта ўғирлик учун кирган экан, нега сигнализация хизмати монтажчилар текшириб кетганидан кейин ҳам панд берди? Нега сотувчи Т. Ўрмонов ғумонлари тўғрисида милицияга мурожаат қилмади?

Биз тергов жараёнида бу ва бошқа саволларга аниқ-пухта жавоблар топилади, жиноятга сабабчи бўлган лоқайд ходимлар ҳам жазосини тортади, деб умид қиламиз.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Бу-қизиқ*

МАҲМУД ШИРИН ЯВУЗНИНГ 42 ФАРЗАНДИ

АНҚАРА, 17 июль. (ТАСС). Туркиянинг Қизилёғоч қишлоғида яшаётган 42 ёшли Маҳмуд Ширин Явузнинг 42 ўғил ва қизи бор...

Бу пири бадавлат одамнинг тўрт хотини бор. У дастлаб 16 ёшида уйланган эди, кейинчалик эса оралатиб яна уч марта уйланди.

Бу катта оила ҳозирча битта уйда яшаяпти, энди оила бошлиғи янги уй қуришни чамалаб турибди. Дарҳақиқат, Маҳмуд Ширин хонадонида янги-янги неваралар оламга келмоқда. Агар Маҳмуднинг ўзи ҳам ҳали ёш эканлигини назарда тутадиган бўлсак, яна фарзанд кўрса ажаб эмас.

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«УЗОРГКОММУНЭНЕРГОНАЛАДКА» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ ТУЗИЛГАН ШАРТНОМАЛАР АСОСИДА ҚУЙИДАГИ ИШЛАРНИ БАЖАРАДИ:

қозонлар, қуритиш мосламалари ва печкалар, сув тайёрлаш қурилмаларининг иссиқлик-механика ускуналаридаги
ишга тушириш-созлаш ва режимли-созлаш ишлари;
иссиқлик тармоқлари бўйича ҳисоблаш ва созлаш ишлари;
қуйи вольтли ва юқори вольтли электр ускуналарининг ишга тушириш-созлаш ишлари ва профилактик синовлари;
контроль-ўлчаш асбоблари ва автоматика системаларини монтаж қилиш, созлаш ва ремонт қилиш;
ҳавони тозалаш, биноларда сунъий иқлим ҳосил қилиш, совутиш машиналари, компрессорлар бўйича ишга тушириш-созлаш ва профилактика ишлари;
водопровод ва канализациянинг тозалаш иншоотларини технологик жиҳатдан созлаш;
биноларидаги ҳаво муҳитининг санитария-гигиена ҳолатини текшириш (ёруғлик даражаси, чанг-тўзон қоплаганлик, тебраниш ва шовқин, газлар билан тўлиб кетганлик);
иссиқлик-энергетика ресурслари (газ, электр қуввати, буғ, иссиқ сув бўйича солиштирма нормаларни ҳисоблаш ва баланс синовларини ўтказиш)ни нормаллаштиришга доир ишлар;
торайтирувчи қурилмаларни ҳисоблаб чиқиш, қозонхоналарни паспортлаштириш;
сарфлаш, сиғим, ҳарорат, вакуум босими, иссиқлик-физика ва электр ўлчови асбобларини ремонт қилиш ва текшириш;
атмосферага чиқариб ташланадиган чиқиндиларнинг (П. Д. В.) йўл қўйилиши мумкин бўлган охирги нормасини аниқлаш;
коммуникацияларни электр ёрдамида занглашдан муҳофаза қилиш бўйича лойиҳа-тадқиқот ишлари;
коммуникацияларни электр ёрдамида занглашдан муҳофаза қилиш ускуналарини монтаж қилиш ва созлаш;

КОРХОНА ҚУЙИДАГИЛАРГА КАФОЛАТ БЕРАДИ:

эксплуатация характеристикаларини яхшилаш;
қозон агрегатлари, қуритиш мосламалари ва печкалардаги ёниш жараёнларини қулайлаштириш;
ишларнинг юқори сифатли бажарилиши,

ШУНИНГДЕК,

энг кам пул маблағини сарфлаган ҳолда юқори даражада тежамкорлик, пухталик ва самарадорликка эришиш.

ШАРТНОМАЛАРИ РАСМИЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ МУМКИН:
700025, Тошкент шаҳри, Стародубцев кўчаси, 130-А уй.
Тошкентдаги телефонлар: 55-94-60, 55-25-06.
Самарқандда: 9-28-49.
Фарғонада: 2-18-76.
Нукусда: 2-46-59.
Термизда: 2-42-55.
Бухорода: 2-34-14 (2-82-63).
Урганчда: 6-94-82
Андижонда: 4-85-69.
Наманганда: 4-11-77
Қўқонда: 2-22-80
Ангренда: 2-73-68
Қаршида: 5-66-50
Жиззахда: 3-22-55
Бекободда: 48-44
Чирчиқда: 5-24-54

«Узоргкоммунэнергоналадка» ишлаб чиқариш корхонаси.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ПОЛИМЕРЛАР ХИМИЯСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
лабораториялар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Катта илмий ходим, кичик илмий ходимлар (2): полимерлар синтези;
катта илмий ходим, илмий ходим, кичик илмий ходим: эксперименталь-техника лабораторияси;
илмий ходим: ўруғлик сифатини яхшилаш бўйича соҳа лабораторияси;
илмий ходим, кичик илмий ходим: истиқболли полимер қурилиш материаллари;
кичик илмий ходимлар: функционал актив полимерлар сектори, полимерлар физикаси лабораторияси (3). Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг хроматография бўйича илмий марказига.

Конкурс муддати — 25 июлгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700128, Тошкент шаҳри, «ЎзССР 50 йиллиги» проспекти, 7 «а» уй.

Телефон — 41-88-01.

КООПЕРАТИВЛАР ВА ЁШЛАРНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ИЖОДИЁТИ МАРКАЗЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ КИШИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГОССНАБИ РЕСПУБЛИКА КОММЕРЦИЯ-АХБОРОТ МАРКАЗИ

1989 йил 19 июлдан бошлаб 21 июлгача
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА
РЕСПУБЛИКА САВДО-САНОАТ ЯРМАРКАСИ ВА КИМ ОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ

Ярмарка ва ким ошди савдосида қатнашишга таклиф қиламиз.

Ярмарка қуйидаги адресда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 45-уй. Кооператорлар уйи.
Справкалар учун телефонлар — 41-11-20, 41-32-71.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСВГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
«Ташстройиеханизация» трестининг
2-МЕХАНИЗАЦИЯ ВОШҚАРМАСИГА:

минорали кран машинистлари, автомобиль крани машинисти, ҳайдовчи, минорали кранлар ремонти бўйича слесарлар, газ-электр пайвандчи.

Маълумотлар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Космонавтлар проспекти, 6-уй ёки аҳолини ишга жойлаштириш Киров район бўлими — Энгельс кўчаси, 48-уй.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг
ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
травматология ва ортопедия ихтисоси бўйича(2)
КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 78-уй. Телефонлар — 33-10-30, 33-12-35.

Тошкент Марказий универсал магазини коллективи универмагнинг кенсе ходими Қодир Расулович ЭРГАШЕВнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-42-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04223. Б. — 167. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12